# Ўзбекистон-Қозоғистон: ҳамкорлик самаралари

3-бет


# Ishonch

*Insonga naf keltirish — oliy baxt*

*2008-yil 24-aprel*
*№ 52 (2465)*
*payshanba*

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta ✱ E-mail: ishonch-doverie@mail.ru ✱ Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan




Эртаклари маҳзун болалик 4

Кулгу — кўнгил завқи, ақл чархи



11



Капалак — руҳнинг ташрифи 13



15 Мудҳиш хато

## Ракурс

### Сен ёлғиз эмассан, Дерсу...

Рус киночилари ишлаган «Дерсу Узала» филмида қаҳрамон айтадиган бир гап бор. У — Сибирда яшовчи маҳаллий халқ вакили, моҳир овчи, рус тилини чала-чулпа биладиган Дерсу буталар орасидаги шарпадан хавотирланиб милтиқ ўқталган капитанга қарата шундай дейди: «Капитан, отма, меники одам!». Ўзбекистон телевидениесида берилаётган рекламаларни кўрсам, Дерсу эсимга тушади. Биттаси «Оёқларим чарчади, ўтирсам мумкинми?» деса, иккинчиси «Шамоллашдан самарали восита» деб чала гапирса, мен нима қилай?! Иккала гап ҳам ўзбекча эмас. Ўзбек «Чарчадим, ўтирсам майлими?» ёки «Шамоллашдан асровчи самарали восита» дейди. Роликларнинг русчадан таржима эканлигини ҳисобга олсак, ҳамма гап таржимоннинг савияси пастлигига бориб тақалади.

Илгари «Ўзбекфилм»да дубляж қилинган филмлар жуда машҳур бўлган. Ҳаммамиз Евгений Леонов яратган образларга Воҳид Қодиров, Георгий Вицинникига Диас Раҳматов, Владимир Этушникига Ёқуб Аҳмедов маромига етказиб овоз беришига ўрганиб қолганмиз. Бунда ҳурматли актёрларимиз ва режиссёрларнинг маҳорати, қолаверса, таржиманинг пишиқ-пухталиги муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда ўзбек тилига ўгирилаётган филмлар ҳақида бундай дейиш қийин. Биргина мисол: бир киши уйда ўтирибди. Эшик тақиллаб қолди. Уни очишга бораркан, у «кетаяпман» дейди. Аслида «бораяпман» дейиши керак. Кетиш билан боришнинг фарқи бор. Майли, бугунги филмлар — алоҳида мавзу. Айтмоқчи бўлганимиз шуки,реклама роликларини ўзбек тилига таржима қилаётганда ҳам миллий ғоя позициясидан туриб ёндашмоқ даркор.

**Ҳасан КАРВОНЛИ**





## Ўта хавфли касаллик

5-бет



**Парранда гриппи Ўзбекистонда кузатилмаган. Лекин эҳтиёт бўлган маъқул.**

## Газетамизни ўқиб боринг

**«Икковлон банди Обиддинни юкхонадан чиқариб, уват устига ётқизишди. Сўнгра «бўлҳо-бўл» билан яқин атрофдаги қовжироқ ёнтоқлардан ғарам жамлашга эришдилар. Бир ожиз тирик жон бўлса, мақсадни ўз кўзи билан кузатиб турибди:**

**— Ҳой, мусулмонлар, мени нима қилмоқчисизлар?! Айбим нима, Азиз? Ҳеч бўлмаса Худодан қўрққин!.. Шериклар бу нолаларни гўё эшитишмасди. Сукут сақлашганча, ҳар ёнга шошишиб, анчагина қовжироқ ўланларни тўплаб олишди. Кейин, елим идишдаги бензиннинг бирини ғарам устига, иккинчисини эса оёқ-қўли тушовли Обиддиннинг бошидан товонигача сингдириб сепиб чиқишди. Кўз-кўзга тушмаслиги учун Азиз ёқилғини тескари қараб, тирик жон устига оқизарди: «Қани, олдик». Кераксиз юк каби у ғарам устига ирғитилди. Кўп ўтмай ғаламислар яратган дўзахнинг қонталаш «тили» чор тарафга чоғланиб, оташ нафаси сарсонвор тоблана борарди. Ёлқинлар мавжида таралаётган мудҳиш нидо, бамисоли улов кетидан қуваётгандек, акс-садо берарди: «Худога солди-им, Ази-из, Ху-до-га-а!..»**

### «Дўзах домидан нидо» суд очерки навбатдаги сонимизда

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарига 2008 йил учун обуна давом этмоқда. Нашр кўрсаткичларимиз: 133, 134

Ishonch
2008 йил 24 апрел / № 52 (2465)

### *Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
### *ҚАРОРИ*

# Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни янада кўпайтириш, шу асосда қишлоқ аҳолисининг бандлиги ва даромадларини, гўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсишини ошириш ҳамда ички истеъмол бозорининг тўлдирилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда ишлаб чиқилган:

шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтириш ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар 1-иловага мувофиқ;

2008-2010 йиллардаги даврда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамоллар сони кўпайишининг мақсадли параметрлари 2-иловага мувофиқ;

2008-2010 йилларда суғориладиган ерларда ем-хашак экинлари майдонларининг ҳисоблаб чиқилган прогнози 3-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари зиммаларига мазкур қарор билан тасдиқланган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ижро этиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, тижорат банкларининг 4-иловага мувофиқ шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига қорамол сотиб олиш учун микрокредитлар ажратишни кенгайтириш тўғрисидаги таклифига;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Республика "Ўзнаслчилик" корхонасининг ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, сервис пунктлари тармоқларини ташкил этиш йўли билан чорва молларни сунъий урчитиш бўйича ўз базасини яратиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Белгилансинки, чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер ва бошқа хўжаликларга, шунингдек, паррандачилик корхоналарига ажратилган суғорма ерлар фақатгина ем-хашак экинлари экиш учун мўлжалланган ва давлат эҳтиёжлари учун пахта ҳамда донли экинлар экишда фойдаланилмайди.

"Ўзқишлоқмашлизинг" компанияси маҳаллий корхоналар - "Агрегат заводи" ОАЖ ва "Урганчеммаш" АЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган ем-хашакни йиғиштириб оладиган техникани қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларига лизинг асосида берилишини ташкил этсин.

"Ўздонмаҳсулот" АК 5-иловадаги прогноз ҳажмларига мувофиқ фермер хўжаликлари ихтиёрида қолаётган, чорвачилик учун тўлақонли омухта ем ишлаб чиқаришнинг оширилишини таъминлайдиган омухта ем саноатини модернизация қилиш ва қўшимча дон ресурслари харид қилишни ташкил этишнинг аниқ чора-тадбирлари амалга оширилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Чигит етказиб бериш механизмини ҳамда ўсимлик ёғи ва ёғ-мой маҳсулотлари сотишни тартибга солиш тўғрисида" 2006 йил 31 майдаги ПҚ-360-сонли қарори 3 ва 4-бандлари, шунингдек, мазкур қарорнинг 2-иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2008 йилнинг ҳосилидан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда чигитни қайта ишлашдан олинадиган шрот ва шелуха Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси орқали тўла-тўкис ички бозор ҳамда экспортга сотилиши керак. Ем, шу билан бирга шрот ва шелуханинг экспортга сотилиши эркин айирбошланадиган валютада амалга оширилади.

5. Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари комплекси (Ш.М.Мирзиёев):

бир ой муддатда ем-хашак, жумладан, шрот ва шелуха сотишга ихтисослаштирилган пунктлар тармоғини инвентаризациядан ўтказсин, бунда уларнинг вилоятлар, туманлар ва аҳоли пунктлари бўйича оқилона жойлаштирилишини, ем-хашак истеъмолчилари – фермерлар, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари эгаларининг улардан кенг фойдаланиши таъминланишини назарда тутсин;

инвентаризация натижаларига кўра, вилоят ва туманлар доирасида ем-хашак, шу жумладан омухта ем, шрот ва шелуха сотиш бўйича ихтисослаштирилган ягона пунктлар тармоғини кенгайтириш ва оқилона жойлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқсин.

Мазкур ихтисослаштирилган ягона пунктлар негизида туман ва вилоят бирлашмалари ташкил этилсин. Ушбу бирлашмалар зиммасига Ўзбекистон Республика товар-хомашё биржаси очиқ биржа савдолари орқали ем-хашак, жумладан, омухта ем, шрот, шелуха ва бошқалар харид қилиниши, уларнинг етказиб берилиши ҳамда фермерлар ва аҳолига сотилиши юзасидан жавобгарлик юклансин.

Юқорида кўрсатилган чора-тадбирларни бажариш юзасидан масъулият Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туман ҳокимликлари, "Ўздонмаҳсулот" АК ва Ёғ-мой ҳамда озиқ-овқат саноати уюшмаси раҳбарлари зиммасига юклатилсин.

2008 йилнинг I ярим йиллиги якунлари бўйича ушбу ишлар натижалари Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида муҳокама қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Давлат Бош ветеринария бошқармаси зооветеринария пунктларини, камида 10 йил мобайнида уларнинг фаолият йўналишини ўзгартирмаслик шарти билан, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига зооветеринария хизматлари кўрсатиш соҳасида хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. "Пахта-банк" АТБ ва бошқа тижорат банкларига имтиёзли кредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредит бериш йўли билан зооветеринария хизмати кўрсатиш ҳамда молларни сунъий урчитиш корхоналарига зарур зоотехник ва лаборатория жиҳозлари ҳамда транспорт воситаларини сотиб олишда устувор тартибда кўмаклашиш тавсия этилсин.

"Ўзқишлоқмашлизинг" компанияси зооветеринария хизмати кўрсатиш корхоналари учун зоотехник ва лаборатория жиҳозлари лизинг асосида етказиб берилишини таъминласин.

8. Қуйидагилар 2012 йилнинг 1 январигача бўлган даврда, истисно тариқасида:

наслчилик иши корхоналари ва Республика "Ўзнаслчилик" корхонаси асосий фаолият тури бўйича барча солиқлар ва давлатнинг мақсадли жамғармалари ҳамда Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан;

наслчилик чорвачилик хўжаликлари, наслчилик иши корхоналари, паррандачилик корхоналари ва омухта ем ишлаб чиқарувчи корхоналар, шунингдек, "Ўззооветтаъминотхизмат" бирлашмаси олиб келинадиган наслчилик материали, зооветеринария хизмати кўрсатишни ривожлантириш учун технология ва ёрдамчи ускуналар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича омухта ем ишлаб чиқариш компонентлари божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари);

зооветеринария пунктлари – корхонани рўйхатга олишда ва ветеринария фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия беришда давлат божи тўлашдан;

фермер хўжаликлари ва чорвачилик фермалари – чорвачилик маҳсулотларини, жумладан, унинг қайта ишланган маҳсулотини сотиш тушумидан давлатнинг мақсадли жамғармалари ҳамда Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинсин.

9. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фермер хўжаликлари уюшмаси оммавий ахборот воситаларида чорвачиликни ривожлантириш ҳамда уни юритиш, маҳсулдор молларни яратиш ва боқишнинг замонавий усуллари, қишлоқда чорвачиликнинг бозор инфратузилмасини кенгайтириш илғор тажрибасини тарғиб этиш масалаларини ёритиш бўйича махсус дастурлар ва рукнлар ташкил этсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорлари 6-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 21 апрел

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-842-қарорига

## ШАРҲ

Ўзбекистонда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларини, айниқса қишлоқ аҳолиси бандлигининг ўсиши, унинг даромади ва умуман турмуш даражасини ошириш, ички бозорни ҳаётий муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари – гўшт, сут, мева-сабзавот, картошка ва бошқа маҳсулотлар билан барқарор тўлдиришнинг муҳим омили сифатида ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Бу масалада ушбу хўжаликларда қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Қонунчиликда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол парваришлаш билан банд шахслар иш билан банд аҳоли тоифасига киритилиши, уларга меҳнат дафтарчаси берилиши ва иш стажи ҳисобга олиниши, улар пенсия ёшига етганда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлиши белгиланган.

2006 йилнинг мартида қабул қилинган шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастурининг амалга оширилиши бугун ўзининг сезиларли натижаларини бермоқда.

Масалан, 2006 йилдан то ҳозиргача бўлган даврда республикада қорамоллар сони бир миллион бошдан кўпроққа ошди ва қарийб 7,4 миллионтани ташкил этади. Шунинг 6,9 миллиондан ортиғи шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари улушига тўғри келади.

Чорва молларини сотиб олиш учун тижорат банклари ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Бандликка кўмаклашиш жамғармаси томонидан кейинги икки йилда ва жорий йилнинг биринчи чорагида 108 мингта оилага 93 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилди.

Бу борада кам таъминланган оилаларни бепул сигир бериш йўли билан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2006 йилдан то ҳозирги пайтгача бундай оилаларга 91 минг бошдан ортиқ қорамол тарқатилди.

Чорвачилик соҳасига хизмат кўрсатадиган инфратузилма тармоқлари ҳам жадал ривожланмоқда. Мисол учун, 2006 йилдан буён республикада қўшимча равишда 417 та зооветеринария пунктлари ташкил этилди, бугунги кунда уларнинг сони қарийб 2,2 мингтага етди. Молларни сунъий урчитиш бўйича 429 та пункт очилиб, уларнинг сони тахминан мингтага етказилди. Асосан қишлоқ жойларда омухта ем, шрот ва шелуха сотиш бўйича 700 дан ортиқ ихтисослаштирилган пункт ишлаб турибди. Уларнинг сони бугун 1150 тадан ортди.

Аҳоли ва фермер хўжаликларида чорва моллар сонини кўпайтиришга доир чора-тадбирларнинг аввало, қишлоқ аҳолиси учун катта иқтисодий, айниқса ижтимоий аҳамиятини назарда тутган ҳолда, 2008 йил 21 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-842-қарори қабул қилинди.

*(Давоми 3-бетда).*

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-842-қарорига ШАРҲ

*(Боши 2-бетда).*

Мазкур қарор, авваламбор, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни янада кўпайтиришни рағбатлантиришга, шу асосда қишлоқ аҳолисининг бандлик даражаси ва даромадларини оширишга, гўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсишини ҳамда ички истеъмол бозорининг тўлдирилишини таъминлашга қаратилган.

Ушбу мақсадга эришиш учун шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун наслчилик ишини такомиллаштириш, омухта ем ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ветеринария хизматлари кўрсатишни яхшилаш ва бошқалар бўйича аниқ чора-тадбирларни кўзда тутувчи қулай шарт-шароитлар яратишга оид комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Наслчилик ишини тубдан яхшилаш соҳасида Республика “Ўзнаслчилик” корхонасининг ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, сервис пунктлари кенг тармоқларини ташкил этиш йўли билан чорва молларни сунъий урчитиш бўйича ўз базасини яратиш, урчитувчи техниклар ва ветеринар мутахассиларни тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш бўйича мунтазам курслар ташкил этиш кўзда тутилган.

Озуқа базасини янада мустаҳкамлаш, чорва молларни парваришлаш билан шуғулланадиган аҳоли ва фермерларнинг юқори маҳсулдор озуқа - омухта ем, шрот ва шелухадан кенг фойдаланишини таъминлаш - чорвачиликни барқарор ва жадал ривожлантириш борасида муҳим аҳамият касб этади.

Бунинг учун 2007 йилда озуқа экинлари учун мўлжалланган 290 минг гектар майдонни 2010 йилда 330 минг гектаргача кенгайтириш кўзда тутилмоқда. Бунда чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер ва бошқа хўжаликларга, шунингдек, паррандачилик корхоналарига ажратилган суғориладиган ерлар фақат ем-хашак экинлари учун мўлжалланган бўлиб, улардан давлат эҳтиёжлари учун пахта ҳамда донли экинлар экишда фойдаланилмайди. Омухта ем ишлаб чиқариш ҳажмини 2007 йилдаги 600 минг тоннадан 2010 йилда 900 минг тоннагача кўпайтириш ёки 1,5 бараварга ошириш назарда тутилган.

Бугунги кунда қорамолларнинг 94 фоизидан ортиғи шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари эгалари тасарруфида эканини ҳисобга олсак, уларни сифатли озуқа билан ишончли таъминлаш нечоғли муҳим аҳамиятга эга экани янада ойдинлашади.

Шу мақсадда озуқа сотиш бўйича мавжуд ихтисослаштирилган пунктлар тармоғини, бунда уларнинг вилоятлар, туманлар ва аҳоли пунктлари бўйича оқилона жойлаштирилишини синчиклаб инвентаризациядан ўтказиш ва бунинг натижасида ушбу пунктлар тармоғини сезиларли даражада кенгайтириш, ем-хашак истеъмолчилари – фермерлар, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари эгаларининг улардан кенг фойдаланишини таъминлаш бўйича аниқ чоралар кўриш топширилди. Бунда омухта ем, шрот, шелуха, кепак ва бошқа озуқа турларини харид қилиш мумкин бўлган озуқа сотиш бўйича ягона ихтисослаштирилган пунктларни ташкил этиш назарда тутилган.

Ушбу пунктларни зарур озуқа ресурслари билан таъминлаш учун уларнинг негизида туман ва вилоят бирлашмалари ташкил этиш кўзда тутилган. Улар зиммасига Ўзбекистон Республика товар-хомашё биржасида очиқ биржа савдолари орқали озуқа сотиб олиш, уларнинг етказиб берилиши, фермерлар ва аҳолига сотилиши юзасидан масъулият юкланди. Вилоят ва туманлар ҳокимликлари, “Ўздонмаҳсулот” акциядорлик компанияси, Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси раҳбарлари озуқа сотиш бўйича ягона ихтисослаштирилган пунктларни ташкил этиш ва уларнинг фаолияти учун бевосита жавобгардирлар.

Шу муносабат билан чигитни қайта ишлашдан олинадиган шрот ва шелуха каби ғоят муҳим озуқани сотиш тартиби тубдан ўзгармоқда. Қарорга мувофиқ шрот ва шелуха ресурслари фақат Ўзбекистон Республика товар-хомашё биржасида очиқ биржа савдолари орқали ички бозор ва экспортга сотилади.

Бундай тартибни жорий этиш натижасида эски, ўзини оқламаган тақсимлаш тизимига тўла барҳам берилади, ҳақиқий бозор механизмлари ва тамойилларига ўтиш таъминланади. Бу, ўз навбатида:

биринчидан, барча истеъмолчиларнинг муҳим озуқа ресурсларидан кенг равишда, тенглик асосида, очиқ ва ошкора фойдаланишини таъминлаш;

иккинчидан, озуқа учун нарх белгилашнинг уларни сотишда инсофсизлик ва суиистеъмол қилишни, нархларни сунъий оширишни истисно қилувчи бозор механизмини жорий этиш;

учинчидан, озуқа ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва сотишда иштирок этадиган бўғинлар сонини қисқартириш ҳисобидан жами сарф-харажатларни камайтириш, бинобарин, озуқа нархларини асоссиз ва чайқовчилик мақсадида оширишга йўл қўймаслик;

тўртинчидан, озуқа ишлаб чиқариш ва сотиш тизимида кўп йиллар мобайнида шаклланган порахўрлик алоқалари, фирибгарлик, қўшиб ёзиш, ўғирлик каби иллатларни тугатиш имконини беради.

Ветеринария хизматлари кўрсатиш тизимини янада яхшилаш, ветеринария лабораториялари ва зооветеринария пунктларини замонавий ускуналар ҳамда инвентарлар билан жиҳозлаш, уларни малакали мутахассислар билан тўлдиришга доир белгиланган чора-тадбирлар муҳим аҳамиятга эгадир.

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига зооветеринария хизматлари кўрсатиш соҳасида хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш мақсадида Давлат Бош ветеринария бошқармаси зооветеринария пунктларини давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштириш кўзда тутилган, ушбу фаолият тури билан шуғулланиш учун рухсат олиш (лицензиялар) тартибини соддалаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди, хусусий ветеринария пунктлари 2012 йилнинг 1 январигача уларни рўйхатга олишда давлат божини тўлашдан озод этилди.

Шубҳасиз, қарорда кўзда тутилган кенг кўламли солиқ имтиёзлари ва преференциялар, шунингдек, аҳоли ва фермерларнинг чорва моллари сотиб олиш учун кредитлардан фойдаланишини кенгайтириш ҳам чорвачиликни жадал ривожлантиришга ёрдам беради.

Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалигини юритаётган аҳолининг маҳсулдор моллар сотиб олиши учун тижорат банклари ва Аҳоли бандлигига кўмаклашиш жамғармаси томонидан микрокредитлар ажратилишини кенгайтириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ушбу мақсадлар учун 2008-2010 йилларда 120,7 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш кўзда тутилган. Бу ўтган йилларга қараганда 30 фоизга кўпдир.

Қабул қилинган чора-тадбирларни амалга ошириш 2010 йилда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамоллар сонини 8,6 миллион бошга етказиш ёки 1,7 миллионтага ошириш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш билан банд бўлганлар сонини сезиларли даражада кўпайтириш, уларнинг моддий фаровонлигини янада юксалтириш имконини беради.

# Дўстлик ва ҳамкорлик самаралари

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22-23 апрел кунлари расмий ташриф билан Қозоғистон Республикасида бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи Остонадаги Оқўрда саройида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими билан бошланди.

Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоевнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Президентлар Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, БМТ, ШҲТ, МДҲ каби халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорлик, минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар, ўзларини қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Оқўрдадаги суҳбат чоғида Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев икки томонлама муносабатларни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилар эканлар, Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг бу борадаги салоҳияти ҳали тўла ишга солинмаганини таъкидладилар. Олий даражадаги учрашувларнинг мунтазам ўтказиб турилиши ҳамкорликнинг янги қирраларини очиш, истиқбол режаларини кўриб чиқиш учун яхши имконият бериши, шу нуқтаи назардан, бугунги мулоқот муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

Хавфсизликни таъминлаш борасида Президентлар ҳамфикрдирлар.

Ислом Каримов минтақавий хавфсизлик масалаларига тўхталиб, таҳдидларни бартараф этишда, муайян сабабларга кўра, асосий масъулият Ўзбекистон ва Қозоғистон зиммасида эканини таъкидлади. Хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда Ўзбекистон доимо минтақамиздаги барча мамлакатлар, биринчи навбатда, Қозоғистон билан яқиндан ҳамкорлик тарафдори бўлиб келганини алоҳида қайд этди.

Президентлар мулоқоти Ўзбекистон ва Қозоғистон расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом этди. Унда асосий диққат-эътибор савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик масалаларига қаратилди.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги иқтисодий алоқаларда 1997 йилда имзоланган Эркин савдо тўғрисидаги битимга амал қилинади. Сўнгги йилларда ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичи жадал ўсиб бормоқда. Хусусан, 2006 йилда 39,1 фоизлик ўсиш қайд этилган бўлса, 2007 йилда ўзаро савдо ҳажми 63,3 фоиз юксалиб, 1 миллиард 193,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Яъни, 2007 йилда мамлакатларимиз илк бор 1 миллиардлик довондан ошди. Шуни ҳам таъкидлаш кераки, бунда Ўзбекистоннинг ижобий сальдоси 129,5 миллион АҚШ долларидан иборат.

Ислом Каримов савдо-иқтисодий алоқалар давлатлараро муносабатларнинг асосий таркибий қисмларидан, ҳамкорликни ривожлантиришнинг ҳал қилувчи омилларидан эканини, Ўзбекистон ва Қозоғистон бу борада улкан имкониятларга эгалигини таъкидлаб, товар айирбошлаш ҳажмини янада ошириш учун экспорт-импорт маҳсулотлари номенклатурасини яна бир бор қайта кўриб чиқиш зарурлигини қайд этди.

Мамлакатларимиз ўртасида 2006-2010 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик дастури ва 2007-2016 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик стратегияси қабул қилинган. Мазкур ҳужжатлар савдо, сув-энергетика мажмуи, сармоя, молия, транспорт, коммуникациялар, божхона ва инновация борасида икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини ўзида мужассам этган. Уларни ҳаётга тўла татбиқ этиш орқали товар айирбошлаш кўрсаткичини бир неча ҳисса орттириш мумкин.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Қозоғистон сармоядорлари иштирокида тузилган 167 корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистонда Қозоғистоннинг 54 фирма ва компанияси, Қозоғистон Тараққиёт банки ўз ваколатхонасини очган. Қозоғистонда Ўзбекистон сармоядорлари билан ҳамкорликда тузилган 94 корхона бор.

Икки мамлакатнинг иқтисодий, илмий-техникавий ва интеллектуал салоҳияти биргаликда юқори технологияли корхоналарни ташкил қилиш, айниқса, саноатнинг тўқимачилик, кимё, нефт кимёси каби соҳаларида қўшимча қийматни ошириш учун яхши ресурслар бор.

Ислом Каримов мамлакатларимиз ҳудудларини сув билан таъминлаш борасидаги муаммоларнинг олдини олиш мақсадида ўзаро келишилган сиёсат юритишни таклиф этди.

Маданий-гуманитар алоқалар ҳақида сўз юритганда, бу йўналишдаги ҳамкорлик илм-фан, таълим, маданият ва санъат, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик ва спорт соҳаларини қамраганини таъкидлаш жоиз. Илмий муассасаларимиз ўртасида бевосита алоқалар ўрнатилган, ўқитувчи ва талабалар, илмий-услубий қўлланмалар алмашуви йўлга қўйилган.

Музокарада 2006-2008 йилларга мўлжалланган маданий-гуманитар ҳамкорлик дастури ижросининг бориши кўриб чиқилди. Бу йўналишдаги алоқаларни янада фаоллаштириш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев музокаралар очиқ ва дўстона руҳда, ишчанлик кайфиятида ўтганини таъкидладилар. Остона саммити Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатлари изчил ривожланиш йўлидан бораётгани, икки мамлакатнинг ҳам ҳамкорликни янада тараққий эттиришдан манфаатдор эканидан далолат бўлгани қайд этилди.

Ислом Каримов сўнгги вақтларда айрим оммавий ахборот воситаларида Марказий Осиё мамлакатлари иттифоқини тузиш тўғрисидаги хабарлар пайдо бўлаётганига муносабат билдириб, жумладан, бундай деди:

— Бу масалага ҳар бир мамлакат ўз миллий манфаатларидан, халқининг хоҳиш-иродасидан келиб чиққан ҳолда муносабат билдиради. Ўзбекистон учун ушбу ташаббус мақбул эмас. Мен буни яна бир бор қатъий таъкидлайман. Давлатлар орасида, айниқса, эски тузумдан чиққан мамлакатлар, бу ўринда, Марказий Осиё республикалари орасида иттифоқ тузиш учун, биринчидан, уларнинг салоҳияти, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт даражаси мос келиши керак, иккинчидан, иқтисодий ва сиёсий ривожланиш ҳамда ислоҳотларни амалга ошириш борасида тутган йўли бир-бирига ҳамоҳанг бўлиши лозим. Шу жиҳатдан олиб қараганда, минтақамиз давлатлари орасида бундай иттифоқ тузиш тўғрисида гапиришнинг ўзига ҳали вақт бор, деб ўйлайман. Аслида биз шу мақсадда анча аввал иш бошлаган эдик. Аввалига Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти, кейин унинг негизида “Марказий Осиё ҳамкорлиги” ташкилоти тузилди. Сўнгра бу тузилма Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти билан бирлашди.

Мамлакатимиз раҳбари ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш учун эркин савдо зонаси тўғрисидаги ҳужжатни ишлаб чиқадиган махсус ишчи гуруҳ тузишга келишиб олинганини қайд этди.

— Ўзбекистон томонининг таклифи билан эркин савдо зонаси тўғрисидаги ҳужжат ишлаб чиқиш учун махсус ишчи гуруҳ тузилиши ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги яна бир қадамдир, — деди Қозоғистон Президенти.

* * *

**Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Қозоғистон Республикасига ташрифининг иккинчи куни – 23 апрелда Президент Нурсултон Назарбоев ҳамроҳлигида Остонадаги MEGA савдо марказига ташриф буюрди. Яқинда қурилган ушбу марказда савдо шохобчалари, боулинг, стол тенниси каби спорт ўйинлари бўлимлари, кинотеатр бор.**

Президент Ислом Каримов Қозоғистон раҳбари билан бирга Нейрохирургия марказига борди. Ушбу муассаса фаолияти билан танишув чоғида беморларни даволаш, операция қилиш, шифокорлар учун яратилган шароит, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш масалалари билан қизиқди. Ўзбекистонда тиббиётнинг бир неча соҳаси бўйича ихтисослаштирилган марказлар ташкил қилинганини таъкидлаб, бу борада ҳамкорликни кенгайтириш ва тажриба алмашиш икки мамлакат манфаатларига мос бўлишини қайд этди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қозоғистон Республикасига расмий ташрифи якунига етди. Ушбу ташриф натижалари нафақат мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда, балки, умуман Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар алоқаларни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Остона учрашувларида эркин савдо тўғрисидаги битим ишлаб чиқишга келишиб олинганини таъкидлаш жоиз. 2007 йилда ўзаро савдо ҳажми 63 фоизга ошди, лекин бу кўрсаткич икки томонни тўла қаноатлантиради, деб бўлмайди. Масалан, экспорт-импорт операцияларининг 80-90 фоизи 4-5 турдаги хомашё маҳсулотлардан иборат. Ваҳоланки, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўзининг экспорт салоҳияти билан савдодаги товарлар хилма-хиллигини бир неча карра орттиришга қодир. Шунингдек, товар айирбошлаш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш зарур. Бу учинчи давлатлардан харид қилинадиган маҳсулотларни икки томонлама савдо доирасига киритиш имконини ҳам беради.

Ташриф асносида Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев минтақавий хавфсизлик масалаларини атрофлича муҳокама қилдилар. Ўзбекистон ва Қозоғистон ўз нуфузи ва салоҳияти билан бу борадаги кўплаб масалаларни биргаликда ҳал этиши мумкин. Бу йўналишдаги ҳамкорлик минтақада барқарорликни, авваламбор, иқтисодий тараққиётни таъминлашга, қолаверса, маданий-гуманитар алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон ва Қозоғистон пойтахтлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. Президент Ислом Каримовнинг Остона шаҳри ҳокими Имангали Тасмагамбетов билан бўлган учрашувида бу борадаги алоқалар кўламини янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Таъкидлаш жоизки, Қозоғистон жамоатчилиги Ўзбекистон Президентининг ташрифига катта қизиқиш билдирди. Мамлакат оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон раҳбарининг ташрифини кенг ва батафсил ёритиб борди. Хусусан, «Егемен Қазақстан» ва «Экспресс-Казахстан» газеталарида ташриф ҳар томонлама фойдали ва самарали бўлгани, Президентлар Ўзбекистон ва Қозоғистон учун долзарб аҳамиятга эга кўплаб масалаларни муҳокама этгани алоҳида таъкидланди.

**ЎзА хабарлари асосида тайёрланди.**

Нимани эксанг, шуни ўрасан

Ishonch
2008 йил 24 апрел № 52 (2465)

# Эртаклари маҳзун болалик

***Болалик — умрнинг энг гўзал, унутилмас хотиралари муҳрланадиган бетакрор давр. Болалик ҳақида жўшиб эртак сўйламоқ ҳам саодатдир. Бу дамларни бахтиёр ўтказмоқ фақат боланинг ўзига боғлиқ эмас. Бунда теварак-атроф, хусусан, оиланинг ўрни беқиёс. Тотув, фаровон оилада бола чинакам бахтни ҳис этади. Ота ўзини ўйлайдиган, она манфаат учун ҳамма нарсадан воз кечадиган оилада вояга етган боланинг эса эртаклари маҳзун бўлади...***

— Тошкентдан Намангандаги акамникига меҳмонга борган эдим. Кечки пайт ўзим тенги йигит-қизлар билан дискотекадан қайтаётганимизда ички ишлар ходимлари ушлаб бу ерга жўнатишди. Ёлғиз қизман. Ёшлигимдан кўчага қочиб кетавериб ўрганиб қолганман. Уйда ўтиролмайман, сиқиламан. Отам ошпаз, онам бозорда сотувчи. Уларнинг мен билан умуман иши йўқ. Шунинг учун кўчага интилсам керак. Дискотека менинг жону дилим. Севган йигитим бор, у менга уйланишга ваъда берган. Бир гал уйига олиб бориб ота-онаси билан ҳам таништирган. Дунёда фақат у мени тушунади. Унга бағишлаб шеърлар ёзганман...

Балоғат остонасида турган, ўткинчи ҳис-туйғуларга кўмилиб қолган, севги ҳақида ёниб, ота-онаси тўғрисида бефарқ сўзлаётган Аноранинг фикрлари дунёқараши тор эканлигидан далолат берар эди. Ҳали оқ-қоранинг, яхши-ёмоннинг фарқига бормайдиган, кўриниши бинойидек қизнинг гап-сўзлари, ўзини тутиши кишини ҳайрон қолдиради.

Умрнинг энг гўзал палласида бегона кўчаларда адашиб юрган бу қиз Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасига қарашли «Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш» марказига келтирилганига бир ойдан ошиб қолди.

Ушбу марказ 2006 йилда ташкил топган. Бу ердаги шароит билан танишарканмиз, ёш авлод тақдири давлатимиз эътиборида эканлигига яна бир карра амин бўлдик. Маърифат хонаси замонавий жиҳозлар ҳамда техника воситалари билан таъминланган бўлиб, бу ерда болалар мароқли ҳордиқ чиқаради, компютерда ишлашни ўрганади. Болалар гуруҳларга ажратилган ҳолда хоналарга жойлаштирилган. Хонада ётоқхона, ювиниш хонаси ва дарс тайёрлаш учун шароит мавжуд.

Марказга келтирилган боланинг дарди, фикрини билишнинг ўзи бўлмайди. Баъзан болалар ёлғон гапиради. Исм-фамилияси, манзилини нотўғри айтиб, чалғитади. Шундай вазиятда психологларнинг ёрдамига таянилади. Кўрс, жиззаки болаларнинг кўнглига йўл топиб, улардан аниқ маълумотлар олинади.

— Ҳеч бир иш қийинчиликсиз кечмайди, — дейди марказ психологи Ирода Ҳакимова. — Бу ерда асосан ўсмир ва ўспиринлар билан ишлаймиз. Уларнинг ёшига, оилавий шароити ва айни пайтдаги психологик ҳолатига қараб муомала қилишга тўғри келади. Марказда болалар билан индивидуал ҳамда гуруҳ тартибида психодиагностик, психопрофилактик ва психокоррекцион ишларни олиб борамиз. Хусусан, ўйин, психологик тренинг, психогимнастик машқлар асосида катарсис, яъни ички тозалаш ҳолатини юзага келтиришда ёрдам берамиз. Шунчаки суҳбат ёки насиҳат билан бунга эришиб бўлмайди. Катарсис орқали боланинг онгидаги нохуш фикрлар, лоқайдлик бартараф этилади.

Ишимизнинг мураккаб томонлари кўп. Кўпинча ота ёки онаси ўгай бўлган болаларда руҳий тушкунлик юз беради. Уларда уйдан безиш, кўчага интилиш ҳоллари кўпроқ кузатилади. Бундай болалар билан ишлаш жуда қийин. Хоҳиш баъзида имконият ва шароит билан мос келмаслиги мумкин. Масалан, болада уйга, ота-онага интилиш туйғусини шакллантирсагу, бироқ оиласидаги муҳит носоғлом бўлса, кўзланган натижага эришиш қийин кечади. Шуни инобатга олган ҳолда боланинг кўнглиги йўл топишга ҳаракат қиламиз. Дейлик, кўчада бир-икки марта ўғирлик қилган бола билан суҳбат давомида «Энди нима иш қилмоқчисан, келажакда қандай йўл тутасан?» деб сўрасангиз, «Ўғри деган ном олдим. Ўғирлик қилавераман» деб жавоб беради. Бу нотўғри фикрни унинг миясидан чиқариб ташлашнинг ўзи бўлмайди.

Дарҳақиқат, боланинг кўнглини олиш соҳа ходимларидан масъулият билан бирга тажриба ва билимни талаб қилади.

Марказнинг спорт майдончасида бир гуруҳ болаларни волейбол ўйнаётган ҳолда учратдик.

— Ота-онам ароқ ичиб жанжаллашгани-жанжаллашган эди, — дейди Дирбинев Артём. — Уйда улар уриб синдирмаган бирорта буюм қолмаган. Гоҳо шундай жанжаллар пайтида қўрққанимдан кўчага қочиб кетардим. Ҳафта-ўн кунлаб уйга бормасам ҳам ҳеч ким суриштирмасди. Охирги марта қочиб кетиб, уч ҳафтадан кейин уйга борсам, у ерда бегона одамлар бор экан. Ота-онам уйни сотиб қаергадир кўчиб кетишибди. Мени ҳатто эслашмагани жуда алам қилди. Шундан кейин ҳар жойларда ётиб юрдим. Компютерхона, ошхона, кўп қаватли уйларнинг йўлакларида ётган пайтларим бўлди. Кўча боласига айланиб қолганман. Ҳеч кимни соғинмайман, эсламайман ҳам. Ҳужжатларим тайёр бўлса «Меҳрибонлик уйи»га топширишар экан.

11 ёшлар атрофидаги болакайнинг сўзларини тинглаб «наҳотки, ота-она учун фарзанднинг қадри бўлмаса?» деган фикр кечди хаёлимдан. Артёмнинг кўзларига чўккан сўнгсиз мунг қалбни изтиробга солади.

Ўзини Азизхон дея таништирган 17 ёшлардаги боланинг фикрлари ҳам кишини ўйга толдиради.

— Бу ерга бир неча марта тушганман. Мен учун одатий ҳолга айланиб қолган, — дейди у. — 6 ёшимдан буён кўчадаман. Мактабда ҳам ёлчитиб ўқимаганман. Сурхондарёликман. Анчадан буён Тошкентга ишлашга келаман. Юк ташийман, машина юваман. Ҳар хил ишларни бажараман. Гоҳида уйга ҳам пул жўнатиб тураман. Уйдагилар мендан хавотир олмайди. Ҳозир ҳам шу ердалигимни билишади. Паспортимни йўқотиб қўйиб Ҳамза туманидаги милиция пунктига борган эдим, шу ерга олиб келишди. Ойим билан телефонда гаплашдим. «Вақтим бўлганда бориб олиб келаман», — деди. Кутганим йўқ. Менга у қачон келишининг қизиғи йўқ. Чунки яна ишимни давом эттираверaман-да.

— Ҳар бир инсоннинг орзуси, қизиқиши бўлади. Сенинг ҳам бирор мақсадинг борми? — сўрайман ундан.

— Билмасам, расм чизишга салпал қизиқаман. Лекин бу юришда мендан рассом чиқмайди.

— Нега?

— Ўзим биламан-да. Аҳвол бундай бўлгандан кейин...

Унинг кўзлари лоқайд боқади. Тенгдошларининг бири фан олимпиадасида қатнашиб, бошқаси спорт мусобақасида ғалаба қозонаётган бир паллада ота-онанинг беparволиги туфайли тирикчилик кўйида юрган Азизхоннинг келажаги қандай бўлади? Бу ҳолатда у ота-она меҳрини қаердан топади? Жавобсиз саволлар...

Бир-бирига ўхшайдиган, ўхшамайдиган аянчли тақдирлар. Йўл бошида турган бу болаларга йўл кўрсатувчи, кўмак берувчиларнинг борлиги кўнгилга таскин беради.

— Бу ерга 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар қабул қилинади, — дейди марказ бошлиғи, полковник Нуриддин Ўралов. — Бир ой давомида болаларнинг марказга келиб қолиш сабаблари, ота-онаси, оилавий шароити ўрганилади. Марказга асосан адашиб қолган, қаровсиз, ўзбошимчалик билан уйдан чиқиб кетган, шунингдек, махсус мактаб-интернатларга юборилиши керак бўлган вояга етмаганлар қабул қилинади. Самарқандда ўғил болалар, Қўқонда қизларни қабул қиладиган ёпиқ турдаги махсус мактаб-интернатлар бўлиб, зарур ҳужжатлар асосида вояга етмаганлар у ерга жўнатилади.

Бу ерга келтирилган болаларни кўпинча ота-онаси келиб олиб кетади. Улар келмаган тақдирда марказ ходимлари олиб бориб топширишади.

Фарзанд тарбиясига мутлақо бепарво кишиларнинг болалари туман ички ишлар идораси ва вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси билан ҳамкорликда меҳрибонлик уйларига жойлаштирилади. Бу ерга келган ҳар бир бола манзилига етказилганидан кейин яшаш жойидаги ички ишлар идораларига уларнинг ота-оналарига нисбатан чора кўришни сўраб хат юборилади. Ички ишлар идораларига ота-она билан бирга маҳалладан ҳам вакиллар чақирилади. Шарт-шароити ўрганилади.

Бир кеча-кундузда 200 нафаргача болани қабул қилиш имкони бор. Марказ қайта ташкил этилган 2002 йилдан шу пайтгача 30 дан ортиқ миллат вакиллари қабул қилиниб, уларга қонун-қоидалар асосида кўмак берилган.

Бу ерда болалар учун гуманитар фанлар бўйича сабоқлар ҳамда спорт машғулотлари ўтказилади. Мўъжазгина ҳайвонот боғи ҳам ташкил этилган.

Марказга келтирилган болалар мунтазам шифокор назоратида бўлади. Лозим бўлса тиббий ёрдам кўрсатилади.

Фарзандга меҳр кўрсатиш, ғамхўрлик қилиш ота-онанинг бурчидир. Бунга риоя қилмаганлар эртага боласидан меҳр кўриши даргумон. Нимани эксанг, шуни ўрасан дейишади-ку...

**Ҳидоят ЖЎРАЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**






**Суратларда: марказ ҳаётидан лавҳалар.**
**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

## Болага пул бериш керакми?

**Хонбиби ҲИММАТ қизи**

***Машҳур адибимиз Абдулла Қодирийнинг ўғли Ҳабибулла Қодирий «Отам ҳақида» деган асарида қуйидаги воқеани келтириб ўтган.***

***— Ада, менга китоб олишга пул керак.***

***— Хўп, қанча?***

***— ...***

***— Яхши, — деди ва сўраганимни берди. Кечқурун чақириб сўради:***

***— Китоб олдингми?***

***— Олдим.***

***— Қани келтир.***

***Китобларнинг муқовадаги баҳосини ҳисоблаб чиқарди.***

***— Қолган пул қани?***

***Дадам менга фақатгина музқаймоқ олишга рухсат берар, қолганини қайтариб оларди. Мактабга кетишимда ҳам пулни ўлчовли, трамвайга ва бир-икки стакан сувга лойиқ берарди. Пешинлик овқатни-ку, уйдан жилдимга солиб олишимни буюрарди. Дадамнинг қаттиққўл бўлишидан бибим гоҳо ранжир эди.***

***— Жуда болага меҳринг қаттиқ, Абдулла.***

***— Гап қаттиқликда эмас, ойи, пулга ўргатмасликда, пул болани бузади, — дерди отам.***

***У киши кийим-кечак важидан ҳам бизни ортиқча сийламас, эл-юрт қатори кийинтирар эди. Бир вақт, ҳали теварагимизда расм бўлмаган чоғда, мен велосипед ҳавас қилиб қолдим. Табиий, велосипед олдиришга бибимни воситачи қилдим. Шунда дадам деди:***

***— Велосипед олиб беришга пулим бор, лекин олиб бермайман.***

***— Нега, болам?***

***— Айтинг-чи, ойи, ён-веримизда кимнинг боласи велосипед минаётир?***

***— Биров билан нима ишинг бор?***

***— Тушунмайсиз. Кўпчилик билан баробар бориш керак. Ҳабибулла велосипед минса, бошқа болаларнинг кўнгли ўксийди, қўшнилар уйида жанжал бўлади, сизу мендан улар ранжийдилар.***

***Юқоридагиларни ўқиб ўйга толдим. Бу воқеалар ўтган асрнинг ўрталарида бўлиб ўтган. Аммо жудаям тарбиявий аҳамиятга молик воқеа. Абдулла Қодирийдан ўрнак олиб ҳар бир сўмимизни болаларга ўлчаб берганимизда эди, айрим ота-оналар «болам шўх, пулга ўч» дейишмасди.***

***Баъзи ота-оналар атай қўни-қўшниларга кўз-кўз қилиш учун ҳам боласига турли ўйинчоқлару истаган нарсаларини олиб беришади. Ён-атрофдагиларга эътибор ҳам беришмайди. Қўшни болаларнинг эса бу тантиқ болакайларга ҳаваси келиб, ота-онасига «менга ҳам олиб беринг» дея хархаша қиладилар.***

***«Болани пулли ҳам қилма, пулсиз ҳам қўйма» дейишади. Мактабга борадиган ўғлим пул сўраб қолди.***

***— Нимага керак, ўғлим? — дея ажабланиб сўрадим.***

***— Музқаймоқ олиб ейман.***

***Хўп дея унга икки юз сўм узатдим.***

***— Ие, бу етмайди, — ўғлим норози бўлиб лабларини чўччайтирди.***

***— Ахир Алишер ўртоғим «Бомба» музқаймоғидан олиб ейди. У олти юз сўм туради.***

***— Мундайроғидан олиб есанг нима қилибди? — жаҳлим чиқади унинг эркалигидан.***

***Ўғлим лом-мим деёлмайди. Чунки агар бу пулни ҳам олмаса, аяси унга бошқа пул бермаслигини ҳам билади.***

***Танишимникига борсам, болалари дадасининг атрофини ўраб олганча ҳадеб пул сўрашаяпти. Дадаси ҳам эринмасдан уларга пул тарқатаяпти. Бундан ажабландим.***

***— Дугона, болаларинг пулни нима қилади?***

***— Билмасам, кўчага чиқиб бирон нима сотиб олса керак-да, — дея бепарволик билан жавоб берди у. Ҳатто турмуш ўртоғидан нима учун болаларга пул бериб юборганини сўрамади ҳам.***

***Аслида болага пул нима учун керак? Уни пулга ўргатиб қўймаяпмизми? У пулнинг қадрига етадими? Қандай сарфлашни биладими?***

***Қишлоқдаги болалар олган пулини иложи борича йиғиб ўзига керакли бирон нарсани олади. Аммо шаҳарликлар-чи? Улар шу бугуноқ кўчага чиқиб, пистами, қурутми, сақич ёки шоколадми харид қилишади. Аммо айрим болакайлар борки, худди биров ўргатиб қўйганидек ота-онаси дўкон ёки бозорга юборса, олган қайтимини қайтариб беришади...***

***Матлуба деган танишимнинг бир ўғил, бир қизи бор. У ва эри давлат ташкилотларининг бирида ишлайди. Эрталаб ўғли ва қизи мактабга кетишади. Достон эндигина мактабга чиққанида онаси унга бозордан нарсаларни қандай харид қилишни ўргатиб борган эди. Ҳозир у бешинчи синфда ўқийди. Бемалол ота-онасининг кўнглидагидек бозор-ўчар қилиб ҳаммасини жой-жойига қўяди. Демак, болага пул бериш керак. Аммо ҳисоб-китоб билан. Сиз нима дейсиз?***

# Ҳуқуқини билган ютқазмайди

Ishonch
2008 йил 24 апрел / № 52 (2465)

## ? Бола парвариши учун таътил

*Бола икки ва уч ёшга тўлгунга қадар парваришлаш учун бериладиган таътиллар бўйича қонунчиликка қандай ўзгартириш киритилди?*

**Назира ИЗБОСАРОВА,**
**Қорақалпоғистон**

!

Президентимизнинг 2007 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорининг 21-бандига мувофиқ 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб болани икки ёшга тўлгунга қадар парвариш қилиш учун онага тўланадиган ҳар ойлик нафақа пуллари фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, яъни маҳалла фуқаролари йиғини раиси номига берилган аризага биноан тайинланади ва тўланади. Аризага қуйидаги ҳужжатлар нусхаси илова қилинади:

— боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси;
— меҳнат дафтарчаси;
— ариза топширилган ойгача оила аъзоларининг охирги ўн икки ойдаги даромадлари тўғрисида маълумотнома;
— боланинг ногиронлиги тўғрисида гувоҳлик берувчи ВКК хулосаси (зарурат бўлса);
— никоҳнинг бекор қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси ёки тегишли суд қароридан кўчирма (зарурат бўлса).

Нафақа тайинлаш учун зарур ҳужжатлар белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаларда тақдим этилади. Ариза топширилган ойгача оила аъзоларининг охирги ўн икки ойдаги даромадлари белгиланган мезондан паст бўлсагина, нафақа тайинланади. Шунингдек, нафақа тайинлаш Ўзбекистон Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 2002 йил 14 мартдаги «Ишламайдиган оналарга бола икки ёшга етгунига қадар уни парвариш қилганлиги учун ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низом асосида амалга оширилади.

## ? Ўқиш ва иш

*Ўрта махсус ўқув юртининг сўнгги босқичида сиртдан таълим олаётган ходимни сессия вақтида ишдан бўшатиш мумкинми?*

**Фарида ТУКМАЕВА,**
**Олмалиқ шаҳри**

!

***Меҳнат кодексининг 256-моддасига мувофиқ олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётган ходимларга битирув имтиҳони топшириш вақтида камида ўттиз календар кун, диплом лойиҳасини (ишини) тайёрлаш ва ёқлаш даврида ўрта махсус ўқув юрти талабаларига икки ой муддат билан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча таътил берилади.***

***Олий ва ўрта махсус ўқув юртининг учинчи ва ундан кейинги босқичларида сиртдан таълим олаётганларга эса ҳар йили камида қирқ календар кун қўшимча таътил берилади.***

***МКнинг 100-моддасига мувофиқ ходим меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таътилларда бўлган даврида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхона бутунлай тугатилган ҳоллар бундан мустасно.***

## ? Рад жавоби

**Ёшим элликда, бешта фарзандим бор. Тақдир тақозоси билан бир фарзандимдан айрилганман, у 1978 йил 27 июлда туғилиб, 1986 йил 16 июлда вафот этган. Саккиз ёшга тўлишига 11 кун етмаган. Ижтимоий таъминот бўлимига пенсияга чиқаришларини сўраб ариза билан мурожаат этгандим, рад жавобини олдим. Шу тўғрими?**

**Гулбаҳор Маҳмудова,**
***Бухоро вилояти Вобкент тумани***

!

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддаси «з» бандига мувофиқ беш ва ундан ортиқ бола туғиб тарбиялаган, йигирма йилдан кам бўлмаган иш стажига эга аёллар умумий белгиланган ёшдан беш йил кам имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Оғир ва зарарли иш шароитида ишловчилар учун ҳам имтиёзлар кўзда тутилган.

## ? Имтиёзли пенсия ҳуқуқи

Маълумотим ўрта-махсус. 1979-1982-йиллари Шўрчи туманидаги 16-ўрта мактабда ўқитувчи (меҳнат ва чизмачилик) бўлиб ишладим. 1982 йилдан 2007 йилгача болалар ижодиёт марказида тўгарак раҳбари вазифасида меҳнат қилдим. Имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгаманми?

**Дилором ЙЎЛДОШЕВА,**
**Сурхондарё вилояти**

!

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддаси «к» бандига асосан ўқитувчилар ва бошқа маориф ходимлари махсус иш стажи 25 йил бўлган тақдирдагина умумий белгиланган пенсия ёшидан 5 йил олдин имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-қарори билан ёшга доир имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқариш соҳаси, муассасалар, ишлар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1, 2 ва 3-рўйхатлари тасдиқланган.

3-рўйхатда тўгарак раҳбари лавозими назарда тутилмаганлиги туфайли имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга эмассиз.

## ? Меҳнат шартномаси

**Агар фермер хўжалиги билан ходим ўртасида муддатли меҳнат шартномаси тузилган бўлса, ходим янги меҳнат шартномаси тузиш учун ариза бермаса, муддат тугаши билан иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиши мумкинми?**

**Ж.ОТАШЕВ,**
**Бухоро вилояти Олот тумани**

!

**МКнинг 97-моддасига мувофиқ қуйидаги ҳолларда меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкин:**

**1) тарафларнинг келишувига кўра;**
**2) тарафлардан бирининг ташаббуси билан;**
**3) муддатнинг тугаши билан;**
**4) тарафларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра;**
**5) меҳнат шартномасида назарда тутилган асосларга кўра;**
**6) янги муддатга сайланмаганлиги (танлов бўйича ўтмаганлиги) ёхуд сайланишда (танловда) қатнашишни рад этганлиги муносабати билан.**

**Мана шу асосга кўра иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга.**

## ? Меҳнатга лаёқатсизлик варақаси

***Меҳнатга лаёқатсизлик варақаси муддатининг узайтирилиши қачондан тўхтатилади?***

А.СУЛТОНОВ,
Қашқадарё вилояти

!

*«Меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ва маълумотномаларни бериш тартиби тўғрисида»ги йўриқноманинг 11-бандига асосан меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ёки маълумотнома муддатининг узайтирилиши бемор ТМЭКка юборилган кундан эътиборан тўхтатилади. Ногирон деб топилмаган, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсиз ҳисобланган шахсларга меҳнатга лаёқатсизлик варақаси муддатининг кейинчалик узайтирилиши ДПМ шифокорлари томонидан икки ойдан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.*

**Саволларга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши бош мутахассиси Йўлдош АҲМЕДОВ, ҳуқуқшунослар Довуд МАДИЕВ ва Ғолиб ЭГАМБЕРДИЕВ жавоб беришди**

## Қинғир иш — келтирар ташвиш

***Ишнинг кўзини билган киши яхши яшайди, истакларини амалга ошириш учун маблағ топади. Бироқ бу тушунчани нотўғри талқин қиладиганлар ишнинг кўзи тугул ўзини ҳам билмай, осон даромад топиш илинжида эгри йўллардан ҳаракат қилишади. Натижада, даромад ўрнига ўз бошига ташвиш орттирганини сезмай қолишади.***

Шундай кимсалардан бири А.Абдалиев таниши Ф.Аманов билан анчадан буён даромад топишнинг осон йўлини топиш ҳақида маслаҳатлашиб, режа тузиб юришарди. Хуллас, улар учун энг мақбул йўли ҳам топилди. Яъни, долларфурушлик қилмоқчи бўлишади. Бунинг учун мижоз бўлса бас. Бу масала ҳам тезда ҳал бўлди. Келишилганидек, айтилган жойга мижоз ҳам кела қолди. Қибрай туманидаги «Автошоҳбекат» ёнида М.Абдалиевга тегишли ВАЗ-2106 автомашина салонида икки ҳамтовоқ ўзаро тил бириктириб фуқаро Г.Акбердиевага ҳар бир АҚШ долларини 1370 сўмдан ҳисоблаб, 6000 АҚШ долларини 8.220.000 сўмга сотмоқчи бўлишди. Афсуски, уларнинг режаси барбод бўлди. Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментининг Тошкент вилояти бошқармаси Қибрай туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбир чоғида ушбу ноқонуний ҳолат аниқланиб, А.Абдалиев ва Ф.Амановларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

**Азаматхон САЙДОВУТОВ,**
**Департаментнинг Тошкент вилоят бошқармаси катта инспектори**

*Ҳуқуқий маърифат*

***Мамлакатимиз Конституциясида ҳар бир кишининг давлат органлари, мансабдорлар, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган. Суд жинси, ирқи, миллати, тили, қайси динга эътиқод қилиши, ижтимоий келиб чиқиши ва бошқа ҳолатлардан қатъи назар барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигига асосланади.***

# Одил судловнинг муҳим босқичи

**Судда фуқаролик ишлари ёзма шаклда ариза бериш йўли билан қўзғатилади. Аризада кўрсатилиши лозим бўлган талаблар Фуқаролик-процессуал кодексининг 149-моддасида белгилаб берилган. Унга кўра аризада ариза берилаётган суднинг номи, даъвогарнинг яшаш жойи, фамилияси, исми, отасининг исми ва агар даъвогар ташкилот бўладиган бўлса, унинг номи ва жойлашган манзили кўрсатилиши шарт. Шунингдек, ариза вакил томонидан берилаётган бўлса, унинг номи ва манзили ҳам кўрсатилади. Даъво аризасида жавобгарнинг яшаш жойи, фамилияси, исми, отасининг исми, жавобгар ташкилот бўлса, унинг номи ва қаерда жойлашганлиги аниқ ёзиб қўйилиши лозим.**

**Аризада даъвогарнинг талаби баён этилади. Агар даъвони баҳолаш даркор бўлса, унинг миқдори кўрсатилади. Даъвогар ўз талабларига асос қилиб кўрсатаётган ҳолатлар ҳамда уларни тасдиқлайдиган далилларни аризасида баён этиши керак. Бундан ташқари, аризага илова қилинган ҳужжатлар рўйхати ҳам келтирилиши лозим.**

**Судя аризани қабул қилиб олгач, жавобгарга даъво ариза нусхасини маълумот учун юбориши тўғрисида ажрим чиқаради. ФПКнинг 158 — 160-моддаларига асосан чиқарилган ушбу ажримдан сўнг иш судда кўришга тайёрланади.**

**Биринчи навбатда суд тарафларнинг ҳуқуқий муносабатларини ва ишни кўришда амал қилиниши зарур бўлган қонунни аниқлайди. Тарафларнинг талаб ва эътирозларини асословчи ҳамда низони тўғри ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа фактларни ойдинлаштиради. Ишда қатнашиши мумкин бўлган шахслар ва ишни ҳал этиш учун зарур бўлган далиллар доирасини аниқлаб, улар ўз вақтида суд мажлисига тақдим этилишини таъминлайди.**

**Ишни судда кўришга тайёрлашда судя даъвогарнинг талабларидан келиб чиқиб сўроқ қилади. Ундан жавобгар билдириши мумкин бўлган эътирозларни аниқлайди. Зарур бўлса даъвогарга қўшимча далиллар тақдим этишни таклиф қилади. Шунингдек, судя даъвогарга талабларидан воз кечиш ҳуқуқига эгалиги ва бунинг ҳуқуқий оқибатини тушунтиради.**

**Даъвогар Мастура Абдиева (исм-фамилиялар ўзгартирилган) жавобгар Шониёз Расуловга нисбатан никоҳдан ажратиш тўғрисида даъво билан судга мурожаат қилган. Улар 1998 йил 30 сентябр куни никоҳдан ўтиб, шу вақт ичида учта фарзанд кўришган. Кейинчалик ўрталарига совуқчилик тушган. Жавобгар оиланинг моддий таъминоти билан қизиқмай, гиёҳвандликка ружу қўйган. Даъвогар оила тамомила барбод бўлган деб ҳисоблайди.**

**Ишни судда кўришга тайёрлаш пайтида даъвогарга даъвосидан воз кечиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилди. Бир неча кундан кейин М.Абдиева судга мурожаат қилиб, жавобгар билан ярашиб кетганлиги учун даъвосидан воз кечганини билдирди. Мазкур аризада у ФПКнинг 102-моддаси талаблари суд томонидан унга тушунтирилганини қайд этган.**

**Дарвоқе, ФПКнинг 102-моддасига кўра иш юритиш тугатилган тақдирда айни шу тарафлар ўртасидаги ҳамда айнан шу асослар бўйича низо юзасидан судга иккинчи марта мурожаат қилишга йўл қўйилмайди.**

**Суд М.Абдиеванинг аризаси бўйича иш юритишни тугатди. Бир оила сақлаб қолинди. ФПКнинг 100-моддаси 3-бандида даъвогар талабидан воз кечганда ва суд буни қабул қилганда иш юритишни тугатиши белгилаб қўйилган.**

**Ишни судда кўришга тайёрлашда суд албатта жавобгарни чақириб, сўроқ қилади. Даъвогарнинг талабига қарши қандай эътирозлари борлигини ҳамда улар қандай далиллар билан исботланиши мумкинлигини аниқлайди. Бундан ташқари, жавобгарга даъвогарнинг талабларини тан олиш ёки қарши талаблар тақдим этиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиради.**

**Шу билан бирга судя гувоҳларни суд мажлисига чақиради, уларни қонунда белгиланган тартибда сўроқ қилади. Ташкилотлар ёки фуқаролардан ёзма ва ашёвий далилларни талаб қилиб олади. Жойида уларни синчковлик билан кўздан кечиради. Экспертиза тайинлаш ва мутахассис жалб этиш сингари бир қатор ишларни бажаради.**

**Судга даъвогар Алишер Эштоев жавобгар «Ўзбекистон темирйўллари» ДАКнинг «Мароқанд» депоси филиалига нисбатан ишга тиклаш, мажбурий бекор юрган вақти учун иш ҳақи, моддий-маънавий зарар ундириш даъвоси билан мурожаат қилди. Шунингдек, у «Ўзбекистон» локомотив депосига нисбатан бекор юрган кунлари учун ойлик маош тўлаш, меҳнат дафтарчасига ўзгартириш киритиш ҳақидаги қўшимча даъво аризасини берди.**

**Ишни судга тайёрлаш даврида даъвогардан ишга қабул қилингани ҳақидаги буйруқ, меҳнат дафтарчасининг нусхаси сўраб олинди. Жавобгар тарафдан эса А.Эштоевнинг ишга сабабсиз келмаганлиги тўғрисидаги далолатнома, илгари даъвогарга нисбатан қўлланган интизомий чоралар ҳақидаги буйруқлар нусхасини тақдим қилиш сўралди. Жавобгарнинг ишончли вакиллари, гувоҳлар ишга жалб этилди, сўроқ қилинди. Кўрсатма ва тақдим этилган далилларга асосланиб суд А.Эштоевнинг даъво ҳамда қўшимча аризаси рад қилинганлиги ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди.**

**Даъво аризаси қўзғатиш ва ишни судда кўришга тайёрлаш ана шундай зарурий жараён. Шунингдек, у одил судловни таъминлашнинг муҳим босқичидир.**

**Нодир МЎМИНОВ,**
**фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг судяси**



*«Кулгу руҳни ўлдиради» (Ҳадис).*
*«Кулгу умрни узайтиради» (Ибн Сино).*

**Чинакам кулгу мана шу икки ҳақиқат орасида туғилади. Кулгунинг ўз назокат пардаси бор. Унда энг нозик вазиятларни теран идрок этишдан ҳосил бўладиган улкан ҳаёт ҳақиқати мавжуд. Рост ва тўғри сўз билан айтиш имкони бўлмаган қалтис ҳақиқатларни изҳор қилишга журъат мужассам кулгуда.**



# Кулгу — кўнгил завқи, ақл чархи

## уни бачканаликка айлантирмайлик




Сўз — башариятга инъом этилган энг буюк қудрат. Кулгунинг руҳни ўлдириши ёки, аксинча, умрни узайтириши ўз ўрнида топиб айтилган сўз қудратидандир. Кулгу инсоннинг ўз-ўзига, ҳаётга юзма-юз келиши, ибрат олишининг содда ва чиройли, ортиқча иддаоларсиз бир шакли. У изтироб ва кўзёшнинг акси эмас, балки унинг бошқача бир ҳолатда юзага чиқишидир. Пайғамбаримиз (с.а.в.) йиғинда кулишиб ўтирган саҳобаларга қараб: «Бундан кўра олимларга яқинлашингизким, хайрли бўлар», — деганида кулгуга тақиқ йўқ эди. Билъакс, олам ва одамни мушоҳада этишга даъват бор. Беҳуда қаҳқаҳа эмас, онгли кулгугина руҳ озиғи бўла олади, кўнгилни кўтаради.

Кулгуни «латифа» — нафис, нозик, «аския» — закий, доно сўз деб; масхарабоз, қизиқчи, аскиячини сўз устаси дея таърифлар эканмиз, демак, унинг ижобий ҳодиса эканлигига инкоримиз йўқ. Чунки кулгу ҳам бир зийнат, кулдира олиш — санъат, кула олиш эса фазилатдир.

Қадимда подшоҳлар ўз саройида масхарабоз сақлаган. Сарой доирасидаги, қолаверса, халқ орасидаги нозик гапларни ҳукмдорга етказишда сарой масхарабозлари мурват вазифасини бажарган. Санъаткор Юсуфжон қизиқ Шакаржонов устози Саъди махсум билан Худоёрхон саройидаги қизиқчилар гуруҳида ишлаган. Сабаб, кулгунинг ўз вазифаси бўлган, бугун ҳам бор, келажакда ҳам барҳаёт яшаши шубҳасиз.

Кулгунинг ижодхонаси — халқ. У халқ ичида туғилади, яшайди, тарқалади. Унинг ўрни ҳам, қиммати ҳам шу халқ орасида белгиланади. Халқ унинг харидори. Халқ ҳазилингизни қабул қилмаса, билингки, сиз унинг ҳақига хиёнат қилгансиз.

Яқинда интернетда «www.ziyouz-preboard.com» саҳифасида қизиқчилик бачканаликка айланиб бораётгани, аскияларда ахлоқсиз қочиримлар қилиниши ва ҳоказолар



ҳақида қатор мақолаларга кўзим тушди. Кундалик ҳаётда тез-тез эшитаётганимиз бу гап янгилик эмас. Аммо бир сатр мени чиндан ҳайратлантирди. Эл таниган сўз устаси Мирзабек Холмедов саҳнада баъзи қўштирноққа сиғмайдиган ҳазиллар қилади дейдиган мухлисларга қандай муносабат билдирасиз мазмунида берилган саволга қизиқчи Ортиқ Султоновнинг жавоби жуда ажойиб. Эмишки, мухлис бошқаларга санъаткорнинг гаплари уятсиз, қилиқлари бачканалигидан шикоят қилгани билан аслида ўзи ўша гапларни эшитиш учун томошага киради. Бу оқлов мақсадида айтилган гапми, халққа муносабатми, билмадим-у, аммо кулгунинг аянчли яна бир шакли бор, бу ўз устидан кулиш. Ҳар ҳолда олимликка даъвогар Ортиқ Султонов тилидан мақолада бу изоҳ келтирилар экан, унинг масъулияти ҳам инобатга олинган бўлса керак. Саҳифада «ж...» деб гапини бошлаб, шу билан тугатмаса кўнгли жойига тушмайдиган «халқ» санъаткорнинг «енгил» ҳазилларига эътироз қилиши ноўринлиги ҳақида ўқиб ҳам кўзингиз оғрийди, ҳам кўнглингиз...




Фарзандли бўлишни ҳар бир аёл истайди, бироқ кўчада қайсидир тубан зўрлаб қўйиб, шу иснoддан орттириладиган фарзанд ҳеч бир аёлнинг орзуси эмас. Худди шундай юракдан кулиб завқланишни ҳар ким истайди, лекин ҳозиргина қаҳ-қаҳ отиб эшитилган сўз учун иззатини билган одамлар орасида мулзам бўлиш ҳеч биримизга ёқмайди.

Рост, бугун оғзи «оналар олқиши»дан бўшамайдиган «ж...» «унвон»и ўзи билан бирга юрадиган гуруҳ бор. Аммо улар жамиятнинг юксак бир тоифасимики, санъаткор унга рағбат юзасидан саҳнага чиқса.

Мирзабек Холмедов, ҳеч муболағасиз, бугунги қизиқчилик санъатининг асос устуни. Халқда «том бошида тоғора», «Ёрим қўқони эди» сингари ҳажвий қўшиқлар бор. Мирзабек Холмедов санъатга ҳажвий қўшиқларнинг ўзига хос шаклини олиб кирган ижодкор. Халқ театрларини қизиқчилик театрлари шаклида қайта тиклашга етакчилик қилган юксак иқтидор эгаси. Аммо «халқ сўзи — ҳақ сўз». Бугун саҳнадаги ҳар бир санъаткорга тегишли бу гап.

Жуда аччиқ бир ҳақиқатни кўз олдимизга келтирайлик.

Сиз саҳнадасиз, кимдир кетган вақти, сарф этган пулига ачинмай даврадан чиқиб кетди. Наҳотки, бир нодоннинг завқи учун бир оқилнинг жамоатини бой берсак; алам қилмайдими?! У ўзи билан санъатга, санъаткорга бўлган ихлоси, ҳурмат-эътиборини ҳам олиб кетаяпти. Олимнинг даврасини кимдир тарк этса, бу илмни англаш машаққатидан бўлади ва олим уни тушуна оладиган биргина толиб учун даврага чиқади аслида. Санъаткорнинг даврасини кимдир тарк этса, бу бир мухлисдан айрилганликни билдиради. У ҳузурингизга эҳтиром ва эъзоз билан келган эди, лойиқ кўрмадики, келтирганини олди-ю кетди. Олимни тушунмаганлар тарк этишида қусур йўқ, бироқ санъаткорни тушунганликлари учун тарк этсалар айб. Чунки халқ яхши биладики, ҳар қандай сўз, ҳар бир ҳаракат одамнинг аслий табиати, болалик тарбияси, яқин дўст-биродарларининг таъсиридан бошқа нарса эмас.

Бундан ўн йиллар олдин «Шариф ва Маъруф», «Темир эркак» филмлари суратга олинди. Бу комедияларни «Шум бола», «Келинлар қўзғолони», «Темир хотин» сингари мумтоз асарлар билан қиёслаш ноўрин. Аммо улар янги давр ўзбек киносига янги тушунча — комедия — ўз устидан кулиш деган қарашни шакллантиришга хизмат қилди. Миллий кино миллатни талқин этиши шарт. Содда оққўнгил ва содда аҳмоқ тушунчалари бир-биридан мутлақо фарқли тушунчалар. Биз эса ўзбек киносида ўзбекни оққўнгил эмас, авом ва аҳмоқ қиёфада экранга чиқаришга одатланиб қолдик. Малол келадигани шуки, устоз санъаткорлар устоз саноаткорларга айланиб, шу филмларда иштирок этаяпти.

Кулгу — кўнгил завқи, ақл чархи. Ўзимизни ҳамиша ўзимизга муносиб нарсалар билан тақдирлай олиш ҳам шараф.

Бир-икки йил олдин Бухорода талаба қизлар танловида ҳакамлар ҳайъатига раислик қиларканман, жуда иқтидорли бир қизнинг рақсига паст балл қўйдим. Бошқа ҳакамлар, ҳатто устозлар ҳам норози бўлиб, изоҳ талаб қилишди. Шунда қиздан ўйинчи ва раққоса ўртасидаги фарқни сўрадим, жумладан, ўтирганлардан ҳам... Жавоб йўқ. Ўйинчи ва раққоса ўртасидаги фарқ шунда эдики, бири бой беради, бири эришади. Бири ўз ҳис-туйғуларини бошқара олмайди, бошқаси мухлиснинг ҳам эмоцияларини бошқаради. Бири шаҳват ва харисликни орттиради, бошқаси завқ ва роҳатни. Иқтидор ҳар иккаласидаям бўлиши мумкин, аммо ҳурмат ва эҳтиром фақат биттасига нисбатан кўрсатилади. Чунки ўйинчи — даъвогар, раққоса — санъаткор.

Аслида санъатнинг ҳар бир тури ана шундай тасниф қилинади. Масалан, «Қаҳқаҳа» театрига ҳеч танқид жоиз эмаски, бу бир ҳаваскорлик, ҳали санъат даражасига кўтарилган эмас. Аммо ўрни келса, Ҳожибой Тожибоевни, Мирзабек Холмедовни, Обид Асомовни, Ўткир ва Ботир Муҳаммадхўжаевларни, қолаверса, Зокиржон Очилдиев ва Ортиқ Султоновларни ва шу сирада ҳатто катта авлод санъаткорларини танқид қилишга тўла ҳақлимиз. Чунки улар истеъдод эгаси, бугунги кун мумтоз асарларини яратувчи санъаткорлардир. Миллатнинг, миллий санъатимизнинг бугуни ва эртаси учун жавобгар санъаткорлар.

**Дилором ҲАМРОЕВА,**
**филология фанлари номзоди**



***Зукко ва туғма олим Бегали Қосимовни davраларда ҳазиллашиб, “Жадидларнинг сўнггиси” деб атардик. У ҳеч нарса демас, фақат мийиғида жилмайиб қўярди. Бегали ташқи кўринишидан ҳам жадидларга ўхшаб кетарди, кўзойнак тақиши, айниқса нозиккина мўйлаби тасаввуримизни яна ҳам тиниқлаштирарди.***

***Аслида ҳам Бегали Қосимов ўзининг бутун вужуди, фикрий олами, салоҳияти, эътиқоди, интилишлари, талабчанлиги, ростгўйлиги, ваъдага вафо қилиши, миллатпарварлиги билан чиндан ҳам жадид эди! Айтиш мумкинки, у табиатан жадид бўлиб туғилган эди. Университет ва ҳаёт сабоқлари эса уни яна ҳам чиниқтирди, тоблантирди.***

# Маърифатпарвар аллома

Москвада ўқиётган кезларим, 1965 йилда Тошкентга келиб ярим йил турли таҳририятларда ишладим. Бегали Қосимов Тошкентга келиб орттирган энг биринчи яқин, сирдош дўстим эди ва шундай бўлиб қолди. Абдулла Орипов мени аспирант Бегали Қосимов ётоқхонасига бошлаб борди ва у билан таништирди. Бу воқеа 1965 йил 25 январ куни рўй берганди. Худои таоло бизга шу қадар мустаҳкам, оқибатли дўстлик насиб этдики, қирқ йилча вақт мобайнида бошимизда офтоблар порлаб чиққанда ҳам, бўронлар сурон солиб ўтганда ҳам унга ҳеч нарса раҳна сола олмади. Аксинча, ўртада бирон-бир яширин сири бўлмаган самимий дўстлик мустаҳкамлангандан мустаҳкамланиб бораверди.

Бизларни фақат оилавий дўстликкина эмас, балки ижодий дўстлик ҳам йўлимизни бир-бирига маҳкам боғлади. Ушбу икки жиҳат қўшилиб чинакам инсоний дўстлик пайдо бўлдики, бунга шукурлар қиламиз. Маликаларимиз Матлубахоним билан Манзурахонимларнинг бир-бирларига бағоят меҳрибонликлари, сирдош дугона эканликлари эса қадрдонлигимизга ортиқ куч бағишлади.

1976 йили қайсидир байрам арафасида Бегали билан Матлубахонлар бизни меҳмонга таклиф қилдилар. Бир-биримизникига борди-келдимиз узилмасди. Зиёфат қуюқ бўлди. Эртадан кечгача адабиётнинг у четидан кириб бу четидан чиқдик. Шу паллалар Бегали ўзининг докторлик диссертацияси бўйича қизғин изланишлар олиб борарди, мен эса “Боқий дунё” шеърий романимнинг биринчи қисмини “Шарқ Юлдузи” журналида эълон қилган, иккинчи ва учинчи қисмларини ёзиш ташвишида юрардим. Икки дўст шу куни маликаларимиз олдида шундай аҳд қилдик: 1980 йилга Бегали ўзининг докторлик тадқиқотини ниҳоясига етказади, камина эса “Боқий дунё” шеърий романимга нуқта қўяман... Аҳд-паймон мустаҳкам эди, иккимиз ҳам ваъдада қаттиқ турдик, кўзланган ижодий-илмий ишларимизни адо этдик. Бегали диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди, менинг эса “Боқий дунё” шеърий романим китоб ҳолида босилиб чиқди... Кейинчалик Бегалининг таклифи билан Миллий университетда (у пайтда ТошДУ) шеърий романнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Тақдимотни машҳур олим Ғулом Каримов бошқарди...

Биз икки дўст бирон ишни қилсак, уни ҳеч қачон ғараз йўлида қилмасдик, таъмадан мутлоқ йироқ эдик, шундан кўнглимиз бағоят равшан тортарди. Бегали қарийб барча асарларимнинг ёзилишидан хабардор бўлар, уларнинг муҳокамаларида иштирок этар, ўзининг маслаҳатларини берар, мақолалар ёзарди. Менинг ижодим ҳақида ёзган сўнгги мақоласи “Улуғ салтанат сирлари” 2003 йил 18 март куни “Халқ сўзи” газетасида эълон қилинганди. Камина ҳам унинг ижодий фаолиятидан ҳамиша бохабар бўлиб турардим.

Эсимда бор, Бегали ўз тадқиқоти асосида бир монографик тарзда китоб тайёрлади. Унга ном қўйишда биргалашиб узоқ ўйландик. Бегали шоиртабиат инсон эди. Навоийнинг, Чўлпоннинг кўп ғазалларини ёд биларди. Тортишиб-тортишиб, “Излай-излай топганим” деган шоирона номни танладик, иккимизга ҳам маъқул бўлди, керакли жойларда илмий тадқиқотга ҳам шундай ном қўядиларми, деб айримлар норизолик билдирдилар, дашномлар ҳам эшитилди. Мен шу паллалар нашриётда бош муҳаррир лавозимида ишлардим, охир-оқибат китобнинг биз истаган номда чиқишига эришдик.

Биргаликда нашр этган китобларимиздан бири, уни нодир дейиш мумкин, “Навоийнинг нигоҳи тушган...” (1986) тазкираси бўлди, уни ўзаро “Навоий анталогияси” деб атардик. Шу ерда бир нарсани айтиб ўтай. Бегали каминанинг таклифи билан “Навоий ва жаҳон адабиёти” номли катта китоб устида ҳам иш бошлаган, материаллар тўплаган эди, афсуски, ният амалга ошмай қолди.

Юқорида зикр этилган тазкирага Бегали, адабиётшунос олима Раъно Нурматова ва камина ҳамкорликда Алишер Навоийнинг назари тушган, ўқиган, ўқибгина қолмай, у ҳақда ўзининг турли асарларида ажойиб фикрлар ҳам билдирган ўзбек шоирлари Аҳмад Югнакий, Хоразмий, Лутфий, Амирий, Саккокий, Гадоий, Атоий ва бошқалар ижодидан намуналарни бир муқова остига жамладик. Дўстим иккимиз китобга “Навоий тузган гулдаста” деган кириш мақоласини ёздик...

Учрашувларимиз ҳеч қачон шунчаки учрашув эмас, балки ижодий баҳсларга ўралган қизғин фикр алмашувига айланиб кетарди. “Боқий дунё” асаримнинг биринчи қисмини ёзганимдан кейин энг аввал кўтариб Бегалининг уйига келдим ва ўқиб бердим. Табриклади, кўнглимни кўтариб, жўяли фикрлар билдирди. Асарнинг қаҳрамони Қудрат жадидлар билан дўст, маърифатпарвар инсон. Унинг ўзи ҳам жадид. Етимлар учун мактаб очган. Асарда у ким билан яқин бўлиши керак? Бу ерда Бегалининг таклифи менга жуда қўл келди. У Абдулла Авлоний сиймосини асарга киритишни маслаҳат берди. Негадир улкан маърифатпарвар бизга руҳан яқин эди. Бегалининг илк китобларидан бири “Абдулла Авлоний” деб аталарди. Кейин иккимизнинг саъй-ҳаракатимиз билан «Филҳақ, урфдан – урфонгадир йўл!» шиорини кўтариб чиққан Абдулла Авлонийнинг узоқ пайтлардан бери илк маротаба “Тошкент тонги” (1978) номли сайланмаси нашр қилиниб ўқувчилар қўлига етиб борди. Бегали адиб асарларини тўплаб, унга каттагина сўзбоши ёзди, нашриёт режасига киритдик. Шуни айтиш лозимки, ўша пайтлар жадидларнинг асарлари осонликча нашр этилавермас эди.

Шеърий романда қаҳрамонлардан бири сифатида Абдулла Авлоний бадиий образининг пайдо бўлиши ана шундай рўй берган эди. Ҳатто маърифатпарварнинг қизи Сора асардаги Ситора прототипи қилиб олинди...

1982 йилни кутиб олишни бизнинг уйимизда бошладик. Қадрдонимиз, тиббиёт фанлари доктори, профессор Жуманазар Бекназаров, Бегали учовимиз бизнинг уйимизда янги йилни муносиб қарши олиб, қадаҳлар кўтардик, шеърлар ўқидик, мусиқа тингладик, шахмат ўйнадик. Бегали шахматнинг етук устаси эди. Ҳаммани ютиб ташлади. Ўтириш қизғин кечаётган эди. Кутилмаганда кечаси соат бирда – энди бу янги йил – ҳаммада ҳозироқ чиқиб Бегалининг уйига бориш керак, деган ўта муҳим фикр туғилди! Улуғ фикрлар одатда кечаси келади-да... Манзурахоним тараддудга тушганимизни кўриб, ҳозир кечаси, ташқарида гупиллаб қор ёғяпти, Қорасувдан (биз яшаган жой) шаҳарнинг нариги четидаги Қорақамишгача (Бегалилар уйи) етиб олиш мушкул ахир, шу ерда қолинглар, эрталаб борасизлар, деб Худонинг зорини қилди, аммо қулоқ солмадик. Чиқиб кетдик... Адашган машиналарни топганимизда машинада, бўлмаса яёв қор кечиб Бегалиларнинг уйига қандай ва қачон етиб борганимиз, гапнинг очиғи, эсимда йўқ. Лекин биз уч дўст ўз-ўзимиздан мамнун, бахтиёр эдик.

Матлубахоним бизларни дарҳол ўзлари безаган башанг байрам дастурхонига таклиф қилдилар. Бизнинг уйимизда бошланган дунёнинг мангулиги, ҳаётнинг гўзаллиги, адабиётнинг улуғворлиги, замоннинг мураккаблиги, дўстликнинг бебаҳолиги ҳақидаги дилкаш ва қизғин суҳбатларимиз янги йилнинг илк куни кечгача давом этди...

Матлубахоним Бегали дўстимнинг суюкли рафиқаси, фароғати, ҳамиша нозиккўнгил умр йўлдошини авайлаган, унга совуқроқ шабадани ҳам раво кўрмаган, ижодий ишларида кўмакчи, ёрининг илмий ишлари учун ўзининг вақтини, умрини бахшида этган, нурли хонадоннинг ардоқли бекаси, айтган гапини ўзи ҳам зўрға эшитадиган назокатли ўзбек аёлидир. Ўхшатмагунча учратмас деган мақол, менимча, Бегали дўстим билан Матлубахоним ҳақида айтилган. Агар эр билан хотин ҳамфикр, баҳамжиҳат, бир-бирини тушуниб яшаган, фарзандлар бахтини кўрган, роҳат-фароғатга чўмилган, бошқалар ҳавас қилган оилага мисол керак бўлса, шубҳасиз, дўстимнинг оиласига мурожаат этиш лозим. Чиндан ҳам, улар бамисли бир бодомнинг ичидаги қўш мағиздай иноқ ва сирдош умр кечирдилар. Матлубахоним Бегалининг “Миллий уйғониш” (номи асли “Жадидчилик”) деган салмоқли китоби чиққанида кўзлари қувончдан чақнаб кетган эди. Узоқ кунлар ва тунлар бирга қилинган меҳнатлар самараси эди бу. Бегали дўстим ҳозир уйимда китоб жавонимни безаб турган ушбу китобини қуйидаги сўзлар билан менга ҳадя қилди: “Қадрдоним, маслакдошим, улуғ дўстим Муҳаммад Алига меҳр ва муҳаббат билан Бегали. 11 март 2003 йил.”

Бегали сафарларда жуда ҳам ажойиб ҳамроҳ эди, у билан юрганда зерикмасди киши. Унинг қизиқиш доираси фақат адабиёт ёки адабиёт тарихи билангина чекланмаган эди. У тарихимиз ҳақида ҳам билимдон олим сифатида мулоҳаза юритарди. Шаҳрисабзга борганимизда Соҳибқирон Амир Темур ва унинг юришлари ҳақида фикрлашиб қолдик. Ва фикрларимиз бир жойдан чиққанини кўриб ҳайрон бўлмадик. Қарашларимиз қарийб бир хил эди. Чунончи, ҳарбий юришларнинг икки хили бор: биринчиси – фатҳ этмоқ, иккинчиси – истило этмоқ. Фатҳ этмоқ – қўшин боради, маконни забт этади, аммо ғолиб ўша юртда қолмайди, бинобарин маконни ўзлаштирмайди, тилига рахна солмайди, маданиятини поймол этмайди. Моли омонни, товонни хазинага олади ва қайтади. Истило этмоқ – қўшин боради, маконни забт этади ва моли омонни олади, хазинасини бойитади ва... ўша ерда қолади... Забт этилган маконни астойдил ўзлаштириш, маданиятини поймол этиш, тилига зуғум қилиш ва ҳоказо ғоратлар билан шуғулланади.

**Муҳаммад АЛИ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси,**
**Давлат мукофоти лауреати**

Амир Темурнинг юришлари қайси бирига киради, деб савол бердик ўзимизга ўзимиз. Шубҳасиз, бобомиз Амир Темур буюк фотиҳдир, зинҳор истилочи эмас, буни яхши англаб олишимиз кераклигини ва тарғиб этишда бунга аҳамият беришимиз лозимлигини уқтирдик ўшанда бир-биримизга.

1985 йилда мени ишимдан озод этдилар. Асарларим босилмайди, номим чиқмайди, Пушкиндан қилган таржималарим эълон қилинса ҳам таржимон номи олиб ташланади. Пушкин ўзбекча ёзибдими, дейди одамлар... Илгари қучоқлашиб ўпишиб кўришадиган дўстлар энди қўл учидагина сўрашишади... Садоқат эгаси бўлган Бегали шунда чин дўстлик намунасини кўрсатди. Кўнглимни авайлаб, мени чалғитиш учун “Сарбадорлар ҳақида роман ёзяпсиз... Ўша сарбадорлар ўтган йўлларни кўриб келамиз, тасаввурингиз учун жуда зарур”, дея қўймасдан бир неча дўстлар билан Касбига, она қишлоғига олиб кетди. Ҳозирги Туркманистон чегарасидаги Чилгумбаз сардобасигача бориб, сардоба сувидан чой қайнатиб ичиб, чўлларни томоша қилиб қайтдик...

Дўстларимиз Пирмат Шермуҳамедов, Жуманазар Бекназаров, Тўлан Низомлар билан биргаликда кўп сафарларда бўлганмиз, Касби, Бўз, Ўзган, Қамаши, Шоҳимардон, Хоразм... дегандай. 1991 йилда Туркистон шаҳрида Хожа Аҳмад Яссавийга бағишланган халқаро анжуманда бир гуруҳ адиб ва олимлар иштирок этдик. Ўшанда мен Ёзувчилар уюшмаси Бадиий таржима ва адабий алоқалар маркази раиси эдим, делегацияга бошчилик қилдим. Бегалининг маърузаси жуда чиройли ва мазмунли чиқди. Таклифим билан Бегали Халқаро Хожа Аҳмад Яссавий қўмитасига аъзо этиб сайланди, Туркиядан, Қозоғистондан, Россиядан келган меҳмонлар орасидан дўстлар орттирди. Натижада хорижда адабиётимизнинг тарғиботчисига айланди. Анжуман давомида Бегали одатдагидек катта дафтарини олдига ёзиб олиб, эринмай маърузалардан, баҳслардан ўзига мақбул фикр-мулоҳазалар ва далилларни бирма-бир кўчириб ўтирди. Катта юмалоқ столни кузатганимда ҳеч кимнинг олдида шундай дафтарни кўрмадим ўшанда...

У чинакам олим эди.

Улуғ дўстим Бегали Қосимов ўзбек фани, адабиёти ва маданиятига улкан ҳисса қўшган маърифатпарвар сиймолардан бири бўлиб қолишига асло шубҳа йўқ...



# «Қишлоғимизда ҳамма савдогар...»

Дўстимни тўйга таклиф қилиш учун уйига бордим. У чекка қишлоқда яшайди.

Салом-аликдан сўнг таклифномани бериб, кетишга ижозат сўрагандим, у:

— Дам олиб кет. Хоҳласанг, қишлоқ марказига чиқамиз. Бир пиёла чой устида гурунглашамиз, — деди. — Бугунги кунда қишлоғимизда ҳамма савдогар, тадбиркор бўлиб кетди. Ишонмасанг, атрофга яхшилаб разм сол.

Ўртоғим ёмғирдан кейинги қўзиқориндай кўпайиб бораётган кичик-кичик дўконлару сигарет, қурут сотиб ўтирган баққолларни кўзда тутаяпти деб ўйлабман. Лекин... хонадонлар эшиги ёнида сабзи, пиёз, картошка, олма, ўрик, нок сингари мева-чевалар, барча маҳсулотлардан намуналар қўйилиб, устига нархлар ҳам ёзиб қўйилган. Айрим дарвозалар ёнига айвончалар қуриб, ичига шелуха, кунжара, кепак, ялама туз, баъзиларига эса цемент, оҳак, бўр каби қурилиш материаллари тўкиб қўйилган. Навбатдаги хонадон девори тагига 10-15 та терак ётқизилиб, устига «сотилади» деб ёзиб қўйишибди. Бошқа эшикларда «эшик, ром бор», «ойна солади», «аптека» деган ёзувлар кўзга ташланади.

— Қойил, рекламанинг ҳам ишловини бериб юборишибдими?

— Нимасини айтасан. Илгари ёшлар таниш-билиш бўлмаса савдо идораси олдига ҳам яқинлашолмасди. Эркин савдога рухсат этилди-ю, кўраётганингдек ҳамма савдогар бўлиб кетди. Бу-ку кўчадаги савдо. Сут, қатиқ сотадиганларнинг жарангдор овози барвақт туришга одатлантириб қўйган. Сомон, ўт сотадиганлар велосипедларига икки-уч қопни жойлаштириб, «Мол-қўйларинг ўтсиз қолмасин» дегандек белги бериб ўтишади. Асалфурушларнинг тили ширинлигини айтмайсанми? Қишлоқ болалари сурнай товушини эшитишлари билан музқаймоқ ё пахтақанд келганини билиб, югуриб қолишади. Машина сигнали чалиндими, билки, эшигинг тагига тандирми, той пахтами, чойнак-пиёлами, ишқилиб рўзғорга зарур бўлган бирор нарса келган бўлади.

Икки қаватли ҳашаматли уй олдига келганимизда ариқ бўйида уч-тўрт бола шиша идишларни ювиб турган эди. Бу хонадон қўлбола арок ясаб сотишга «ихтисослашган» экан. Отаси қишлоқдаги «озиқ-овқатлар» дўконида қоровул бўлиб ишлаган. Ўшанда «савдо сирлари»ни мукаммал эгаллаган экан, мана энди арок ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб юборибди...

— Илгари магазинларда «спиртли ичимликлар соат 11.00 дан 17.00 гача сотилади», «ҳар бир кишига 1 дона арок сотилади» деган ёзувлар бўларди. Ҳозир-чи? Бу хонадонга ярим кечаси келсанг ҳам машинангни тўлдириб кетишинг мумкин, — деди дўстим. — Пулинг бўлмаса, хижолат бўлма. Уларнинг бағри кенг. Қарзга ҳам бериб юбораверишади.

Қишлоқ марказидаги чойхонада чой ичиб ўтирар эканмиз, оғайнимдан сўрадим:

— Шу ўртада миллий услубда қурилган маданият уйига кўзим тушганди. Бузиб ташладиларингми?

— Ёши улуғларнинг айтишича, ҳамқишлоқларимиз уни ҳашар йўли билан қуришган экан. Нақшли устунларини шаҳардаги номдор усталарга буюртма бериб қилдиришган. Бироз эскириб қолган бўлса-да, қишлоқ аҳлининг корига яраб турарди. Унча-мунча йиғилиш, учрашув, концертлар бўлиб турарди. Кичикроқ бўлса-да, кутубхонасидан фойдаланардик. Ширкатимизга қўшни қишлоқдан бир отчопар раис бўлиб келди-ю, ширкат тугатилиши арафасида шу бинони «сотилди» деб арзон-гаровга ўғлига расмийлаштирди. Сўнгра бузиб, ўрнига арок сотадиган дўкон билан билярдхона қуриб, ижарага бериб қўйган.

Кетишга отланар эканман, машинанинг ёқилғи кўрсаткичи қизил ёниб қолганини сездим. Ўртоғимга қарасам «муаммо йўқ» деди-да, қўшни эшик ёнида турган ўн ёшлардаги болага ишора қилди. У уйига зинғиллаб кириб, елим идишда бензин олиб чиқди-да, ҳай-ҳайлашимга ҳам қарамай, қопқоқни очиб, бензинни ўзи қуя бошлади. «Сифати қалай?» сўрадим ундан. «Бизда фуфло бензин бўлмайди. Бехижолат», — деди у.

Дўстим билан хайрлашиб, кенг, равон йўлдан шаҳарга қайтар эканман, бошимда турли фикрлар чарх урарди.

«Тадбиркорлик, савдогарлик яхши албатта. Фақат...».

**Мухторжон ХЎЖАЕВ**

*«Тезиковка» бозорини шаҳримизда билмаган киши бўлмаса керак. Авваллари у «Шимолий темирйўл» шоҳбекатининг шундоқ яқинида бўлса, ҳозир «Қўйлиқ» массивида жойлашган. Бу бозорда рўзғор учун зарур бўлган ҳамма нарсани сотиб олишингиз мумкин. Ҳозир у ерда уй ҳайвонларининг барча турини учратасиз.*

# ВАФОДОРИНИ БОЗОРГА ЕТАКЛАГАН ҒАНИ АМАКИ

Ажабки, шарқ халқлари илон, маймун, чўчқа, мушук, сичқон, каламуш, итларни сираям бозорга олиб чиқиб, олди-сотди қилмаган. Ғарб бозори бу борада ўзлигини аллақачон намоён қилиб бўлган...

Яқинда бозор оралаб темир-терсак кўриб юрган эдим. Мушук кўтарган аёллару ит етаклаган эркакларнинг шошиб бораётганини кўриб орқасидан эргашдим. Не кўз билан кўрайки, Ғани амаким йўлбарсдек занжирбанд итини ушлаган ҳолда мижоз кутиб турарди. Шу тобда истараси иссиқ бир мижоз унинг қўлини кафтига олиб, савдолаша бошлади.

— Хўп денг, уста! Ана, тағин ўн доллар қўшдим...

— Йўқ-йўқ, мен айтганимга сотаман. Беш юз мингдан бир сўм ҳам тушмайман.

Уларнинг савдоси келишмади чоғи, бояги одам қўлини олиб атрофдаги итларга назар ташлай бошлади. Рости, Ғани амаки ушлаб турган итнинг семизлигидан бадани тарсиллаб туришини кўриб, ҳавасим келиб кетди... Секин олдига бордим. Мендан уялган бўлибми, ноқулай аҳволга тушиб қолди...

— Ғани амаки...

— Иним, кеннойингизнинг қўли енгил-да. Қара, бундай зотдор итга ким ҳам харидор бўлмасин. Мол асраганлар бунинг қадрига етади.

Шўхлигим тутиб:

— Амаки, вафодорниям бозорга олиб чиқибсиз-да? — дедим.

Шунда Ғани амакининг қўлидан занжир тушиб, ит бозор оралаб кетиб қолди.

**Турсун МАҲМУДАЛИЕВ**

*Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг*

# Биз билмаган тилсимотлар

## ёхуд қизалоқнинг қайта тирилиши

Ж. ОБИДЖОНОВ

Бундан ўн йилча аввал содир бўлган бир воқеа ҳалигача мени таъсирлантиради. Тиббиётда клиник ўлим деган нарса бор. Лекин ўша воқеа қаҳрамони — қайта тирилган қизалоққа бунинг дахли йўқдай. Хуллас, воқеа шундай бўлганди.

Кузнинг салқин кунларидан бири эди. Пешинга яқин гузарда улфатлар билан чойхўрлик қилиб ўтиргандик. Ваҳимачи Ҳаким (қишлоқда уни шундай аташарди) югуриб келди:

— Шодиёрнинг қизини машина уриб кетибди.

— Эй, нафасингни ел олсин, — деди Эрали.

— Нима қиламиз, борамизми? — тараддудланди Одил.

— Ҳозир Шодиёрникига дўхтирлар келди.

— Тирикми? — ниҳоят мен ҳам тилга кирдим.

— Ўлиб қолган-ов! — ваҳима қилди Ҳаким. — Кимдир нафас олмаяпти деганди.

Ҳаммамиз ташвишли қиёфада йўлга отландик. Менинг кўз олдимда Шодиёрнинг эндигина уч ёшга тўлган ёлғиз қизчаси. Бечора дўстимга қийин бўлибди. Ишқилиб, ўлиб қолмасин. Унга ёмон бўлади. Яратгандан шуни сўраб бораяпман.

Шодиёрни қўлида пичоқ билан шифокорларга ўшқириб турган ҳолида кўрдик.

— Биттанг қўлингни теккизсанг ўлдираман. Менинг қизим ўлмаган. У ўлмайди, — дер эди йиғлаб...

**Қизча қимир этмас, ҳатто нафас ҳам олмаётган, энг қизиғи — ҳеч қаерида қон доғи йўқ эди.**

«Тез ёрдам» ходимлари Шодиёрни тушунишди шекилли, қайтиб кетишди. Милиционерлар ҳайдовчи Ҳамро акани олиб кетган, негадир «Москвич» воқеа жойида қолдирилганди. Шодиёр гоҳ машинани тепар, гоҳ қизига ялинар, дув-дув кўзёш тўкарди. Хотини бечора йиғлайвериб беҳуш бўлиб қолибди. Уни уйга киргизиб «тез ёрдам»дан қолдирилган ҳамшира укол қиларди.

Кун пешиндан оққанда Шодиёр ҳам қайғудан чўкиб, оқсоқолларнинг гапини олди. Қизини ювиб-тарашди. Тобутга ортиб кўчага олиб чиқмоқчи бўлиб туришганда участка нозири қаршилик қилди.

— Мумкин эмас...

Яна ғала-ғовур кўтарилди. Тоқати тоқ бўлган Шодиёр бақириб юборди:

— Қизим! Туроқол, қизим!..

Шу пайт тобут устидаги мато қимирлади. Буни кўрган тобуткашлар ерга қўйиб узоқлашди. Мўъжиза шу эдики, қизча турмоқчи бўлаётганди. 7-8 соатлик юрак тўхташи ёшгина қизалоқда содир бўлиши мумкинмикан? Ниҳоят, у чинқириб юборди:

— Дадажон! Ойижон!..

Одамлар ўзларига келиб тобутдан қизчани ечиб олишганда унинг соппа-соғ эканлиги маълум бўлди. Бунга ҳар ким ҳар хил фикр билдирганди ўшанда. Ҳозир ўша қизалоқ 6-синфнинг аълочиси. **Мен ҳар сафар уни кўрганимда Яратганнинг биз билмаган ажойиботлари кўплигига яна бир бор амин бўламан.**



# Капалак — руҳнинг ташрифи

Беш нафар фарзандини оқ ювиб, оқ тараб вояга етказиб, энди ҳузурини кўраман деганда Шарофатга бирдан дард ёпишди. Хасталик зўр келиб, охири йиқитди. Турмуш ўртоғи Орифжоннинг бормаган шифокори, учрамаган табиби қолмади. Шарофатнинг касали кундан-кунга зўрайиб борарди. Кунларнинг бирида Орифжонга таниш шифокорлардан бири аччиқ ҳақиқатни дангал айтди-қўйди. «У ёқ-бу ёққа югуриб, беморни ҳам қийнайверманг, биродар. Хотинингизнинг жигари тамом бўлган, узоққа бормайди. Энди тўрт-беш кунлик умрини бола-чақаси олдида ўтказсин».

Шарофат ҳам ўзининг паймонаси тўлаётганини сезди шекилли, турмуш ўртоғи, фарзандлари ва барча қариндош-уруғлари билан рози-ризолик қилди. Айниқса, бўй етиб қолган, ўзига икки томчи сувдек ўхшаш қизи Нафисани бағрига босар экан, кўзларида қатра-қатра ёш айланди.

— Мени кечир, қизим, — деди овози титраб. — Сени ўраб-чирмаб узата олмадим. Аммо ваъда бераман, албатта тўйингга келаман, мени кутгин.

Нафиса онасининг бу гапидан аввал ҳайрон бўлди, кейин саросимага тушди ва «Аяжон, бундай деманг, қўрқиб кетаяпман» дея йиғлаб юборди. Орадан кўп вақт ўтмай, Шарофат қирқ икки ёшида бу ёруғ дунёни тарк этди.

Умр оқар дарё экан. Бир-бирини қувиб йиллар ўтди, фарзандлар камолга етди. Онани тупроққа қўйганларига ҳам роппа-роса беш йил бўлди. Оиладаги икки қизнинг кетма-кет бўйи етгач, харидори кўпая бошлади. Нафисани сўраб икки-уч ойдан буён қатнаётган совчиларга охири розилик берилди ва тўй куни ҳам белгиланди. Тўйда пардоз-андозлардан қиз гулдек очилиб кетди.

Карнай-сурнай наволари билан куёвжўралар кириб келгач, тўйхона янада гавжумлашди. Келинчак янгалари ва дугоналари қуршовида никоҳ ўқилиши керак бўлган хонага кириб келганида очиқ деразадан битта чиройли капалак учиб кириб, келинчак атрофида парвона бўлди. Кейин унинг этагига қўнди. Никоҳ маросимида қатнашганларнинг барчаси капалакка ҳайрат билан боқишарди. Капалакни кўриб Нафисанинг қулоғида раҳматли онасининг «Албатта тўйингга келаман» деган сўзи қайта-қайта жаранглар эди. Унинг кўзларидан дув-дув ёш оқди. Никоҳ ўқилиб, маросим тугагач, барча дуога қўл очиб, келин-куёвга бахт тилади.

**Анорбой НОРҚУЛОВ**



# Шарқ яккакурашлари тобора ривожланмоқда

***2004 йилда юртимизда Шарқ яккакурашлари ва жанг санъати маркази иш бошлаганди. Каратэ ва таэквондонинг бир нечта йўналишлари, кикбоксинг, универсал жанг, ушу, реал-айкидо, бир сўз билан айтганда, йигирмадан ортиқ яккакураш турини ўзида мужассам этган ушбу марказ Ватан келажаги учун соғлом ва жасур авлодни тарбиялашда, мусобақа ва ўқув-машғулот йиғинларини ташкил этишда федерацияларга яқиндан кўмак беряпти.***

Марказ спортчилари бу каби жараёнлардан ташқари, халқаро майдонда юрт шарафини ҳам муносиб ҳимоя қилишмоқда. Вакилларимиз 2006 йил Жанубий Кореяда ўтган Бутунжаҳон жанг санъатлари ўйинларида иштирок этиб, икки олтин, бир кумуш ва бронза медалларини қўлга киритишди.

Марказнинг бевосита ёрдами билан мамлакатимизда Ояма киокушинкайкан-каратэ, реал-айкидо, жеткун-до, анъанавий таэквондо, анъанавий каратэ-до каби қатор миллий федерациялар ташкил топди. Икки йилки, марказ томонидан республикамизда Шарқ яккакурашлари фестивали ташкил этилмоқда...

Яқинда яна бир қувончли воқеага гувоҳ бўлдик. Пойтахтимизда Шарқ яккакурашлари ва жанг санъати маркази учун янги замонавий бино қуриб, фойдаланишга топширилди. Бинонинг биринчи қаватида тренажёрлар билан ажойиб машғулот зали мавжуд бўлса, иккинчи қават офисга мўлжалланган.

**КИКБОКСИНГ: ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ОЛДИДАН**

Шу кунларда Ўзбекистон кикбоксинг терма жамоаси навбатдаги жаҳон чемпионатига пухта ҳозирлик кўрмоқда. Яқинда «Ўзбекистон» спорт мажмуасида кикбоксинг бўйича ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасида Ўзбекистон очиқ чемпионати ташкил этилди. Мусобақада мамлакатимиз спортчилари билан бирга Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистондан келган файтерлар (жангчилар) жанговар санъатларини кўрикдан ўтказишди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон кикбоксинг федерацияси томонидан мазкур спорт турини ривожлантириш йўлида қилинаётган ишларнинг самараси сифатида халқаро турнирлар, Осиё ва жаҳон чемпионатларида кўплаб муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Вилоятларда эртаси порлоқ деб қаралаётган ёш истеъдодларимиз кўпчиликни ташкил этади.

Ўтган йили Греция мезбонлик қилган жаҳон чемпионатида ҳамюртларимиз Шавкат Азизов, Бахтиёр Норов олтин, Ғуломиддин Саидахматов, Абубакр Баҳромов, Муҳаммадали Тоштурғунов кумуш, Улуғбек Умаров, Сардор Расулов, Зиёдулла Умматалиев, Нодира Казакованинг бронза медалларига эришишганининг ўзи фикримизни тасдиқлаши мумкин.

**УНИВЕРСАЛ ЖАНГЧИЛАРИМИЗ БИРИНЧИ**

Ўзбекистон кикбоксинг федерацияси президенти Сардор Тошхўжаев нафақат кикбоксинг, балки универсал жанг бўйича ҳам қитъадаги етакчи мутахассислардан саналади. Аниқроғи, Тошхўжаев Осиё универсал жанг федерациясини ҳам бошқариб, қитъада мазкур турни янада оммалаштиришга ҳиссасини қўшиб келмоқда. 2007 йил универсал жанг бўйича навбатдаги VIII жаҳон чемпионати илк бор Осиё қитъасига ташриф буюрди: 2-4 ноябр кунлари пойтахтимиздаги муҳташам «Универсал» спорт саройида нуфузли мусобақа юқори савияда ташкил этилди.

Дунёнинг 35 мамлакатидан келган 100 нафардан зиёд спортчилар орасида ҳамюртларимиз Алишер Абдуллаев, Бахтиёр Аҳмедов, Мурод Хонтўраев шоҳсупанинг энг юқорисидан жой олишди. Бир нечта спортчиларимиз совринли ўринларга сазовор бўлиб, терма жамоамизнинг норасмий равишда умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни олишини таъминлашди.

Шунингдек, мусобақа давомида пичоқ улоқтириш бўйича Осиё чемпиоанати ҳам ташкил этилди. Ҳар икки тур бўйича етакчи халқаро мутахассислар ўқув семинари ўтказишди.

Универсал жанг бўйича VIII жаҳон чемпионати Шарқ яккакурашлари ва жанг санъати маркази томонидан 2007 йилнинг «Энг яхши воқеаси» номинацияси ғолиби деб топилди.

**ЭЪТИБОР: «МЕҲРИБОНЛИК» УЙЛАРИДАГИ ЧЕМПИОНЛАР**

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, шаҳар прокуратураси ҳамда Республика кикбоксинг федерацияси ташаббуси билан «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари ўртасида ўтган кикбоксинг бўйича Ўзбекистон чемпионати қатор янги номларни кашф этди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан пойтахтимизга йиғилган 220 нафар ёш спортчилар ўз вазн тоифаларида кучлиларни саралашди. Якунда пойтахтдаги 22-«Меҳрибонлик» уйи спортчилари етакчиликни қўлга киритган бўлса, қорақалпоқ яккакурашчилари иккинчи, фарғоналик ёшлар эса учинчи ўринни банд этишди. Энг муҳими, ёшларни спортга жалб этиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини камол топтиришда бу каби хайрли турнирларнинг аҳамияти беқиёсдир.

Аъло даражада ташкил этилган спорт анжумани юзлаб мунис кўнгилларга қувонч улашди.

**Профи бокс**

# Фарҳод Бакиров энди мураббий

***Республикамиз боксчилари жаҳон рингларида ўз сўзларини айтишмоқда. Ҳаваскор боксда ҳам, профи-рингда ҳам ғалабаларимиз дилларни қувнатади. Яқинда пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида профессионал бокс бўйича ажойиб жанглар ташкил этилди.***



Ўзбекистон чемпиони унвони учун бир-биридан қизиқарли учрашувлар томошабинларга олам-олам завқ-шавқ улашди. Беларус, Россия, Озарбайжон мамлакатларидан келган чарм қўлқоп усталари билан ўтказилган баҳсларда вакилларимизнинг қўли баланд келгани қувончлидир.

«Олтин қўлқоп» профессионал бокс клуби аъзоси Баҳром Паязов беларуслик Сергей Афонинни, «Биллур» спорт клуби вакили Беҳзод Набиев россиялик Андрей Андриадисни, кеча қаҳрамони, ўша куни профи-боксда ўзининг хайрлашув жангини ўтказган Фарҳод Бакиров озар боксчиси Ханлар Азизовни мағлубиятга учратди.

Ҳамюртимиз Шерзод Мамажонов учрашувни Қозоғистон вакили Муҳиддин Абдиевга бой берган бўлса-да, мухлисларда яхши таассурот қолдирди.

Истеъдодли боксчиларимиз Равшан Худойназаров - Хуршид Бозоров жангида Равшаннинг қўли баланд келган бўлса, Дониёр Раҳматуллаев эса Мақсуд Жумаевдан очколар ҳисобида устун келди.

Биз профи боксда сўнгги жангини ўтказган Фарҳод Бакировнинг таассуротларини сўрадик.

— Озарбайжонлик рақибим ёш ва истеъдодли. У жанг олиб бориш услубимни ўргангани жангда билинди. Бироқ мен ҳам хайрлашув учрашувимга жиддий тайёргарлик кўрдим ва жанг якунида ғалаба қозонганимдан хурсандман. Энди яқинда иш бошлаган «Олтин қўлқоп» клубида ёш боксчиларга тажрибаларимни ўргатмоқчиман.

**Муай-тай**

***Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида спортнинг яккакураш турлари бўйича учинчи жаҳон ўйинлари бўлиб ўтди.***



## Саккиз иштирокчи - саккизта медал

Унда саккиз нафар муай-тайчидан иборат Ўзбекистон жамоаси муваффақиятли иштирок этди.

Жумладан, Мавлонбек Қаҳҳоров, Артур Қодирқулов, Жасур Мирзамуҳамедов, Фирдавсий Холмуродов, Убайдулло Каримов, Анвар Бойназаров, Азиз Назаров олтин, Юсуф Иброҳимов эса нуфузли мусобақанинг кумуш медалларига эришишди.

Музаффар спортчиларимиз ўтган куни пойтахтимиздаги «Олимпия шон-шуҳрати музейи»да спорт мутасаддилари томонидан муносиб тақдирланди.

**Каратэ**

# Турнирлар олдидан йиғин

***Ўзбекистон каратэ терма жамоаси Чирчиқ Олимпия захиралари коллежида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказишди.***

Хорватия очиқ чемпионатидан олдин ташкил этилган йиғинни мураббийлар Адҳам Юнусов ва Ҳусниддин Сапиев олиб боришди.

Шуни эслатиш жоизки, Ҳусниддин Сапиев мураббийлик қилиш билан бирга терма жамоанинг 55 кг вазн тоифасидаги кучли спортчиси ҳам саналади. Сапиев бизга ўқув-машғулот йиғини ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

— Спортчиларимиз яқинда Германияда ўтган халқаро турнирда қатнашиб келишганди. Ўқув-машғулот йиғини юқори савияда ташкил этилди ва бу қатор мусобақалар олдидан спортчиларнинг маҳоратини оширишга ҳисса қўшиши тайин.

25-26 апрел кунлари Андижонда «Олтин водий» халқаро турнири ташкил этилади. Май ойида Хорватия очиқ чемпионати, июлда Италияда ўтадиган жаҳон кубоги, сўнгра Польшада жаҳон Универсиадасида қатнашишимиз режалаштирилган.

Бироқ энг асосий эътибор 13-16 ноябр кунлари Токиода ўтадиган катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида муваффақиятли қатнашишга қаратилган.



**Реал-айкидо**

***Пойтахтимизда реал-айкидо бўйича биринчи республика очиқ чемпионати ташкил этилди. Мусобақада Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё, Сурхондарё, Андижон, Бухоро, Тошкент вилоятлари ва пойтахт спортчилари ўз маҳоратларини кўрикдан ўтказишди.***



# Мукаммал ҳимоя санъати

Маълумки, реал-айкидо спорт турида рақиб ҳамласини моҳирона бартараф этиш, уни хавфсизлантириш усуллари ўргатилади. Шунингдек, қуроллардан муҳофазаланиш санъати ҳам киши эътиборини тортиши аниқ.

Мусобақада Андижон, Қашқадарё, Тошкент шаҳри ва вилояти жамоалари муваффақиятли қатнашишди. Бундан ташқари, яккакурашларнинг қилич ва пичоқ билан ишлаш тури - «Чамбара» йўналишида ҳам баҳслар бўлиб ўтди.

Мусобақа ғолибларидан бири, қашқадарёлик Жамшид Мейлиев янги спорт тури ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

— Яккабоғ туманиданман. Реал-айкидо нафақат менинг, балки оиламизнинг севимли спорт турига айланди. Акаларим Анвар, Беҳзод, Зиёдулла, Ҳусанга эргашиб машғулотларга қизиқишим ортган. Ниятим спорт ютуқларига эришиш билан бирга, ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида ишлашдир. Бу мақсадим йўлида реал-айкидонинг ёрдами катта бўлади, деб ўйлайман.

**Саҳифа материалларини Акмал АБДИЕВ тайёрлади**



# Олимпия машъаласи Австралияда

Ўтаётган ҳар бир кун бизни ёзда Хитой пойтахтида ўтказиладиган олимпиадага яқинлаштирмоқда. Шу кунларда эстафетачилар олимпия машъаласини беш қитъадан олиб ўтиб, охирги манзил — Пекин томон боришаяпти.

Чоршанба куни эрталаб бортида машъала бўлган самолёт Австралия пойтахти Канберра яқинидаги ҳарбий базага келиб қўнди. Хитой ҳукумати аҳолининг норозилик намойишига чиқишидан хавотирланиб шундай йўл тутишга мажбур бўлди. Чунки Буюкбритания, Франция, АҚШда олимпия машъаласи олиб ўтилаётганда одамлар Хитойдаги тибетликларнинг ҳуқуқлари поймол этилаётганини рўкач қилиб, намойишга чиққан эди.

Хавфсизлик нуқтаи назаридан маршрут уч километрга қисқартирилди. Югурувчиларнинг машъалани бир-бирларига бериш жараёнида хитойлик ёрдамчилар қатнашади. Австралия олимпия қўмитаси раҳбари Жон Коутснинг гапига кўра, уларнинг вазифаси олов ўчиб қолмаслигини назорат қилиб боришдир.

Машъала 26 апрел куни Японияга олиб борилади.

# Битта чиптанинг баҳоси

***Машҳур «Титаник» кемасининг 1912 йили Атлантика океанида айсберг билан тўқнашиб, чўкиб кетиши жаҳон денгизчилиги тарихидаги энг мудҳиш ҳалокатлардан саналади. Яқинда бўлиб ўтган кимошди савдосида «Титаник» йўловчиларидан бири, Лилан Гертруд Асплундга тегишли чипта америкалик коллекционерга 66 минг долларга сотилди. 2006 йили 99 ёшида вафот этган Асплунд беш ёшарлигида ота-онаси ва тўрт акаси билан саёҳатга чиққан ҳамда ҳалокат туфайли отаси ва уч акасидан айрилган эди.***

***Асплунднинг вафотидан сўнг дунёда мазкур ҳалокат ҳақида ўз кўрган-билганларига асосланиб ҳикоя қилиб бериши мумкин бўлган бирон киши қолмади. «Титаник»нинг ҳозир ҳаёт бўлган икки йўловчиси — Буюкбритания фуқаролари эса ўша пайти чақалоқ бўлишган.***

***Аукционга чиптадан ташқари кампирнинг бошқа шахсий буюмлари ҳам қўйилган эди. Жумладан, унга тегишли бўлган соатни швед коллекционери 62 минг долларга сотиб олган. Айтишларича, соат ҳалокат содир бўлган куни тўхтаб қолган.***



Ирландиядаги йирик болалар касалхонаси врачлари операция пайтида томонларни адаштириб, мижозининг соғлом буйрагини олиб ташлашди. «Irish Independent» газетасининг ёзишича, шундан сўнг Крамлиндаги (Дублин) «Our Lady`s Children`s Hospital» врачлари хатосини тан олиб, боланинг оиласидан кечирим сўраган.

# Мудҳиш хато

Исми ва ёши маълум қилинмаётган боланинг қонини энди мунтазам равишда гемодиализ аппарати ёрдамида тозалаб туришга тўғри келади. Донор топилса унга соғлом буйрак қўйилади. Аммо, Ирландия нефрология ассоциацияси вакили Марк Мерфининг гапига кўра, бола тўрт ёшга тўлсагина бундай операцияни ўтказиш мумкин.

Врачлар айбидан тонмаётган бўлса ҳам госпитал раҳбарияти ҳодисани батафсил ўрганиб, болага имкон қадар ёрдам қилишга ваъда беришган.

# Рекорд даражадаги нарх

***Нью-Йорк биржасида нефтнинг нархи рекорд даражага кўтарилди. Савдолар тўхтатилиши олдидан «қора олтин»нинг 1 баррели 119,37 АҚШ долларига баҳоланган. Бу олдинги рекорддан 2 долларга кўп демакдир. Лондон хомашё биржасида ҳам «Брент» типидаги нефтнинг нархи қимматлашган – 1 баррелига 116,57 доллар.***

**Таҳлилчиларнинг фикрича, нефт нархининг тўхтовсиз ортиб боришига халқаро бозорда доллар курсининг қадрсизланиши, шунингдек, ушбу хомашёга нисбатан талабнинг ортиши ва ниҳоят, захираларнинг камайиб бораётгани сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, нефт қазиб олиш билан шуғулланувчи «Royal Dutch Shell» компаниясининг нефт қазиб олиш ҳажмини кунига 169 минг баррелга камайтиришга қарор қилгани ҳам ўз таъсирини кўрсатди.**

**— Нефт экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК) «қора олтин» қазиб олиш ҳажмини пасайтирмоқчи эмас. Ташкилот аъзолари 2012 йилгача кунига 5 миллион баррелдан нефт қазиб олишни тўхтатмайди, — деди ОПЕК бош котиби Абдулла Салим ал-Бадрий.**

# Икки хил маълумот



Сешанба куни БМТ Хавфсизлик кенгаши йиғилишида БМТ бош котибининг гуманитар масалалар бўйича ёрдамчиси Жон Холмс 2003 йилдан бери Суданнинг Дарфур вилоятидаги тўқнашувларда 300 мингга яқин киши ҳалок бўлганини маълум қилди. Ўз навбатида Суданнинг БМТдаги элчиси Абдулмаҳмуд Абдулҳалим бу рақам ҳаддан зиёд бўрттирилганини билдириб, Хартумнинг расмий маълумотига кўра қурбонлар сони ўн мингдан ошмаслигини таъкидлади. Элчининг бу рақам қаердан олинганлиги ва ҳисоб-китоб нималарга асосланган ҳақидаги саволига эса Холмс жавоб бера олмади.

Халқаро экспертларнинг маълумотига қараганда, Судан ҳукумати билан Дарфурдаги араб бўлмаган аҳоли ўртасидаги тўқнашувлар оқибатида икки миллиондан зиёд киши уй-жойларини тарк этишга мажбур бўлган. Холмснинг гапига кўра айни пайтда Дарфурда қонунсизлик ҳукм суриб, инсон ҳуқуқлари тез-тез бузилмоқда. БМТнинг у ердаги 9 минг кишилик тинчликпарвар кучлари эса тартибсизликларга барҳам беришга қодир эмас. Вилоятга яна 17 мингта аскар киритилиши лозим.



# Яхшиликка ёмонлик

Инсонийлик чегарасидан чиққанлар ҳар доим жазога мустаҳиқдир. Россиянинг Иркутск вилоятидаги Уст-Илим шаҳрида 16 ва 17 яшар икки қиз 67 ёшли пенсионер чолни ўлдирганликда айбланиб, ҳибсга олинди. Шаҳар прокуратураси терговс қўмитасининг вакили Владимир Маркиннинг маълум қилишича, уларнинг иккаласи ҳам ижтимоий мослашув марказининг тарбияланувчиси бўлган.

Терговда аниқланишича, марказдан тез-тез қочиб кетиб турадиган қизлардан бири чол билан танишган. Пенсионернинг унга раҳми келиб, бир неча кунга уйидан бошпана берган, қорнини тўйдирган. Чолнинг тез орада пенсия олишидан хабар топган қиз дугонасини бошлаб келган ва биргаликда уни уриб, бўғиб ўлдиришган. Буни қарангки, қотилликдан сўнг уйининг тити-питини чиқарган қизлар у ердан борйўғи 10 рубл майда пул ва қўл телефони топишган, холос.

Россия қонунчилигига кўра ушбу жиноятни учун қизлар умрбод қамоқ жазосига ҳукм этилиши мумкин.

# Костя Цзюнинг навбатдаги жанги

***63,5 кг. вазн тоифасидаги профессионал боксчилар ўртасида собиқ жаҳон чемпиони Костя Цзю Голливуднинг машҳур актёри Жеки Чанга қарши рингга чиқади. Бу воқеа жорий йилнинг 22 августида, Олимпиада ўйинлари пайти Пекинда бўлиб ўтиши режалаштирилмоқда.***

**Цзюнинг баёнотига кўра, у киноактёр билан дастлабки келишувга эришган ва ҳозир шартноманинг сўнгги бандлари муҳокама қилинмоқда. Шунингдек, боксчи бу жангга жиддий тайёргарлик кўрмоқчи. Чунки бу оддий шоу-учрашув бўлмайди.**

**— Ўзимни муштлардан ҳимоя қиламан ва керагича жавоб қайтара оламан. Керак бўлса, Жекига профессионал боксдан сабоқ бераман. Бунинг учун у кинолардан бирида мен учун рол ажратса яхши бўларди, — деди Костя. — Рости, мени бу жанг учун тўланадиган гонорар кўпроқ қизиқтиради.**

# Уруш аввало қалбни жароҳатлайди

Ироқ ва Афғонистондаги урушда қатнашган америкаликлар АҚШ ҳукуматининг ветеранлар ишлари бўйича департаментига қарши судга даъво аризаси беришди. Аризада ветеранлар ушбу муассасани собиқ ҳарбий хизматчилар орасида кенг тарқалаётган ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини ололмаётганликда айблаган. Даъвода келтирилган маълумотга кўра, Ироқ ва Афғонистонда жанг қилганларнинг 20 фоизга яқини доимий равишда тушкунликдан жабр чекади. Шу боис 2006 йили 99 нафар собиқ аскар ўзини ўлдирган. Бу охирги 26 йилдаги энг юқори кўрсаткичдир.

Собиқ ҳарбий хизматчилар вакилларининг фикрича, департамент ветеранларнинг руҳий соғлиғини тиклаш ва ўз-ўзини ўлдиришларининг олдини олиш учун етарли миқдорда маблағ ажратмаяпти. Даъвогарлар суд мазкур муассасага юқоридаги мақсад учун ажратилаётган маблағ миқдорини ошириш мажбуриятини юклаши ва ҳатто ушбу йўналишда ташқи бошқарувчи лавозимини жорий этишига умид қилишаяпти.

Айни пайтда ҳукумат вакилларининг айтишича, собиқ аскарларнинг руҳий касалликларига қарши курашиш департамент фаолиятининг устувор йўналиши ҳисобланиши боис 2008 йили бунинг учун 3,8 млрд. доллар сарфланиши режалаштирилган. Бундан ташқари, охирги икки ярим йил мобайнида собиқ ҳарбийларга хизмат кўрсатувчи 153 та тиббиёт марказига қўшимча 3700 та психиатр ишга олинган ва ҳозир уларнинг сони деярли 17 мингтага етган.

# Прогнозинг нотўғрими, жавоб берасан...



Қирғизистон Фавқулодда вазиятлар вазирлиги об-ҳаво ҳақида нотўғри маълумот тарқатган оммавий ахборот воситаларига нисбатан маъмурий чора кўриш тарафдори. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни шундай қўшимча билан тўлдиришни назарда тутувчи қонун лойиҳаси кўриб чиқиш учун парламентга киритилди.

Вазир ўринбосари Туратбек Жуншуналиевнинг гапига кўра, ОАВда кўпинча ишончлилиги кафолатланмаган манбалардан олинган метеопрогнозлар берилади. Бу салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Мамлакатда эса расмий равишда метеопрогнозларни тарқатиш ваколати берилган ягона манба ФВВ ҳузуридаги Гидрометеорология бош бошқармаси («Қирғизгидромет») ҳисобланади. Шунингдек, Т.Жуншуналиев «Қирғизгидромет» аҳолига аниқ маълумот бериши мумкинлигини, бунинг учун эса метеостанцияларни янги ускуналар билан жиҳозлашга 50 млн. доллар зарурлигини таъкидлади.

Бу ҳақда хабар тарқатган «Central Asian news» ва «24.kg» агентликлари журналистлар учун айнан қандай жазо назарда тутилганини маълум қилмаган.

**Интернет хабарлари асосида Ҳ.НИШОНОВ тайёрлади**

Тошкент Давлат Аграр дорилфунини томонидан 1992 йил 5 мартда Исмаилов Бахтияр Амангельдиевич номига берилган ЦВ №772660 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ва тармоқ касаба уюшма шаҳар ташкилотлари шаҳар Кенгаши аъзоси, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, «Оникс» ОАЖ бошқаруви раиси **Тоҳир АШУРОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

